O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 6 апрель, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 26 (7429)

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ



Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис саккизинчи сессиясидаги маърузаси

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Олий Мажлисимизнинг бугунги сессияси муҳокамасига киритилган муҳим масалалардан бири — бу жорий йилнинг 27 январида бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир.

Бу вазифа бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб масала бўлиб турибди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен фурсатдан фойдаланиб, ана шу вазифани амалга ошириш бўйича ўзимнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдиришни зарур, деб ҳисоблайман.

Аввало, бу борада фикр алмашиш ва хулосалар чиқаришдан олдин:

биринчидан, бўлиб ўтган умумхалқ референдуми нима учун, қандай мақсадда ўтказилди;

иккинчидан, референдум нимани кўрсатди, одамларимизнинг қандай қарашларини намоён этди;

Ва, шулардан келиб чиққан ҳолда, **учинчи масала** — референдум якунлари ҳаётимизда қандай акс этади, қандай амалий натижаларга олиб келади, деган саволларга яна бир бор қайтишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Чунки бу саволларнинг моҳиятини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан, референдумда сайловчиларимиз билдирган фикрларни инобатга олмасдан туриб, уларнинг ҳоҳиш-иродаларини ҳаётга татбиқ этишдек мураккаб ва масъулиятли вазифани тўлиқ амалга оширишимиз қийин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, референдумда умумхалқ муҳокамасига қўйилган иккита масала, яъни келгуси чақириқдан бошлаб парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари мамлакатимиз тараққиёти учун муҳимлигини, уларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кўрсатадиган катта таъсирини ҳеч ким инкор этолмайди.

(Давоми 2-3-бетларда)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

4 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат Т.Миродилов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси А.Ахадов 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисида ахборот берди. Олий Мажлис қарори билан ушбу ахборот маълумот учун қабул қилинди.

Парламент «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари мустақил Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўлида ўтказилган референдум улкан аҳамиятга эга эканлиги ва бу умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда жорий этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу туфайли қонун чиқарувчиларнинг бирламчи вазифаси давлат ҳокимияти органларини янги давр талаблари ва умумқабул қилинган демократик мезонларга мувофиқ ислоҳ қилишнингмустаҳкам ҳуқуқий базасини яратишдан иборатдир. «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари қабул қилиниши Олий Мажлис депутатларининг бу борадаги келгуси қонунчилик фаолияти учун катта аҳамиятга эга.

Ушбу ҳужжатлар муҳокамасида Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси марказий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Қўқон шаҳар тиббиёт билим юрти директори З.Охунова, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов қатнашди.

(Давоми 4-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

• МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА
• ПАХТАЧИДА "МАКТАБЛАР КУНИ" 5-бет
• ҚИШЛОҚДАГИ ИХТИРОЧИ МУАЛЛИМ 6-бет
• УСТОЗИМНИНГ СЎЗИ ҲАЁТИМГА ТАЪСИР ЎТКАЗГАН 7-бет
• СОҲИБҚИРОННИНГ ЙИГИТЛИК ДАВРИ
• МУКОЛАМАИ САЛОТИН (СУЛТОНЛАР СУҲБАТИ) 8-9-бетлар
• НИЯТ ЯХШИ АММО... 10-бет
• "MA'RIFAT"ГА МАКТУБЛАР 11-бет
• ТАЪЛИМ+ФАН+ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 12-бет
• ТЕЛЕДАСТУРЛАР 14-бет

Барчамизга аёнки, Қонунчилик палатаси, деб ном олган қуйи палата биз учун мутлақо янги тартибда, яъни, доимий, профессионал асосда иш олиб боради.

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР

(Боши 1-бетда)

Лекин, шу билан бирга, ўтказилган референдумнинг моҳияти ва унинг келгуси ҳаётимизга таъсири фақат шу иккита масала билан чекланиб қолмайди, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай демократик давлатда ўтказиладиган мана шундай умумхалқ тадбирлари сингари мамлакатимизда бўлиб ўтган референдум сайловчиларимизнинг олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг келажагига нисбатан ўз муносабатини билдиришлари учун, таъбир жоиз бўлса, эркин минбар бўлди.

Бошқача қилиб айтганда, кенг миқёсда бошланган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва кучайтиришга доир режаларимиз бўйича, уларни қай йўсинда ва йўналишларда давом эттириш каби масалалар бўйича халқимизнинг фикрини олиш минбари бўлди.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, референдум натижалари, сайловчиларимизнинг ундаги фаол иштироки ва билдирган ишончи том маънода халқимизнинг ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни, янгиланиш, янги жамият қуриш жараёнларини, қолаверса, ҳозирги олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизни қўллаб-қувватлаётганини яққол намоён этди.

Ва шу тариқа халқимиз мана шу танлаган йўлимизни давом эттиришга, уни янги, юксак босқичга кўтаришга ўз розилигини берди.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, референдум натижаларидан иккита муҳим хулоса келиб чиқади.

Биринчидан, бизнинг бошлаган йўлимизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечиб, юртимизда очиқ демократик давлат қуриш, ўзини оқламаган, буйруқбозлик тизимига асосланган, ўта марказлашган иқтисодиётдан бутун дунё яшаётган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек саъй-ҳаракатларимизни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Референдумдан келиб чиқадиган **иккинчи** хулоса шуки, биз ўзимиз интилган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида **ҳеч кимдан кам бўлмайдиган марраларга етиш** учун бошлаган ислоҳотларимизни изчил ва қатъиятлилик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, буни кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Энди референдум якунлари ҳаётимизда қандай акс этади, деган **учинчи** саволга тўхталсак. Яъни, бу якунлар қандай йўллар билан, қандай тартибда татбиқ қилинади ва қандай амалий натижаларга олиб келади?

Ўз-ўзидан аёнки, агар референдум натижалари, биринчи галда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қолиши мумкин.

Юридик луғатларга киритилган «имплементация», деган бир сўз бор. Бу тушунча қонун ёки қарорни амалда жорий қилиш, деган маънони билдиради ва сиёсий-ижтимоий ҳаётда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, мамлакатимизда ўтказилган референдумнинг натижаларини амалда жорий қилиш мақсадида бугун сизларнинг муҳокамангизга «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси қўйилмоқда.

Бу лойиҳа, авваламбор, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис таркибини ўзгартириш, яъни қуйи палата — Қонунчилик палатаси ва Сенат деб аталадиган юқори палатани ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш ва мана шу ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб —муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади.

Шу билан бирга, биз бир нарсани англаб олишимиз керакки, ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси, ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунлар олдига принципиал талаблар қўяди.

Мана шу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида, авваламбор, лойиҳада кўрсатилган ўта муҳим масалаларга, яъни келгуси чақириқ Олий Мажлиснинг янги таркибига, парламент қуйи ва юқори палатасининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, шу билан бирга, палаталарнинг шакллaниш тартиби, аъзолари сони ва ваколат муддатларини белгилаш принципларига депутатлар томонидан алоҳида эътибор берилади, деб ўйлайман.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ҳамда қуйи— қонун чиқарувчи палата ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг ягона муддати белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қонун лойиҳасига кўра, бу сайловларни ушбу органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи якшанбасида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Бундай тартиб қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Биринчидан, кўпгина демократик давлатларда ўрнатилган мана шундай тартиб, яъни сайлов ўтказиш муддатининг аниқ-равшан белгилаб қўйилиши бу соҳада қандайдир ўзбошимчалик бўлиши, кимдир бу муддатларни ўз манфаати учун ишлатишининг, яъни, шу каби субъектив ҳолатлар вужудга келишининг олдини олади.

Шу билан бирга, фуқаролар, халқимиз шуни ўзига яққол тасаввур қилиб оладики, сайловлар фақатгина йилнинг охирида, йил давомида мўлжалланган барча режа ва юмушлар ниҳоясига етказиб олингандан кейин, бафуржа, хотиржамлик ва осудалик вазиятида ўтказилади.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бундай тартиб қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасида мувозанат ва уйғунликни таъминлашга, бир-бирининг фаолиятини такрорламасликка, бу органларнинг ҳар бири ўз вазифасини, ўз бурчини аниқ бажаришига шароит яратади.

Юқори палата — Сенат ҳақида гапирадиган бўлсак, бу палата аъзолари декабрь ойининг охирида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларига бўладиган сайловлардан кейин бир ой ўтмасдан, қонунда белгиланган тартибда сайланади.

Яъни, бу масалада ҳам узил-кесил аниқлик киритилган ва у халқимиз томонидан тўғри қабул қилинади, деб ўйлайман.

Барчамизга аёнки, Қонунчилик палатаси, деб ном олган қуйи палата биз учун мутлақо янги тартибда, яъни, доимий, профессионал асосда иш олиб боради.

Албатта, шу йўсинда ишлайдиган қуйи палатани сайлаш тартиби ҳам табиий равишда ўзгаради.

Шу муносабат билан, бугун бир нарсани айтишимиз мумкин: бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонга чиқади.

Яъни, қуйи палатага касбкори, профессионал нуқтаи назардан мана шу ишга етарлича тайёргарлиги ва интилиши бўлган шахсларнинг ўз номзодларини қўйиб, депутат бўлиб сайланишга ҳаракат қилишлари муқаррар.

Юқори палатанинг қуйи палатадан фарқига келсак, у шундан иборат бўладики, сайловчилар томонидан барча маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар сафидан бу палатага территориал субъектлардан, Қорақалпоғистон Республикаси бўладими, вилоятлар ёки Тошкент шаҳри бўладими, бундан қатъи назар, уларнинг ҳар биридан олти нафардан депутат сайланади.

Улар қаторида Президент томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган, кўзга кўринган киши ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор бўлиб, уларни сайлаган кенгашлар билан узвий алоқа боғлаб туради, кўпроқ минтақалар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган халқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатади.

Юқори палатанинг шакллaниш тартибига келсак, бу палата аъзолари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасидан уларнинг қўшма йиғилишида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўйлайманки, сайловнинг бундай тартиби демократиянинг ҳар қандай талабларига тўла жавоб беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сенат қуйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим.

Сенат аъзолари қуйи палата томонидан тақдим этилган қонунларни маъқуллаш ёки рад қилиш орқали, аввало, мамлакатимиз, шу билан бирга, тегишли минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги соҳасида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, юқори палатанинг ваколатларини белгилаш чоғида бугун Президент бажараётган баъзи бир вазифалар, бошқа бир қанча муҳим масалалар қаторида мана шу палата, яъни Сенат зиммасига юклатилади.

Юқори палата —Сенатнинг қуйи палатадан яна бир фарқи шундан иборатки, агар қуйи палата доимий асосда иш олиб борадиган бўлса, юқори палата — Сенат сессияларда тўпланиб, қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама қилади ва ўз қарорини чиқаради.

Шуни таъкидлашимиз керакки, бугун муҳокамага қўйилган Конституциявий қонун лойиҳасида парламентимизнинг янги таркибига ва вазифасига доир фақатгина асосий белгилар кўрсатилган.

Ўз-ўзидан барчамизга аён бўлиши зарурки, Олий Мажлис , унинг қуйи ва юқори палаталари фаолияти билан боғлиқ бўлган кўпгина мураккаб масалалар бўйича атрофлича фикр юритиб, алоҳида қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси ҳали олдимизда турибди.

Ҳеч муболағасиз, бу қонунларни тайёрлашда, аввало, ўтган ўн йил давомида тўплаган ўз тажрибамизга таяниб, қадриятларимиз ва тафаккуримизни ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ҳурматли депутатлар!

Ҳаммамиз шуни тушуниб олишимиз керакки, биз танлаган марраларга эришиш йўлида, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва пировардига етказиш борасида янги қонунлар қабул қилишимиз, амалдаги қонунларни эса танқидий кўз билан баҳолаб, уларга замон талаб қилаётган ўзгаришларни киритиш мақсадида ҳали жуда катта ишларни амалга оширишимиз лозим.

Мана шу вазифаларни бажаришда, янги ҳаётимизни қуришда асосий принциплар даражасига кўтарилган қоидаларга риоя қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бу принциплар нималардан иборат?

Биринчидан, давлат бошқаруви ва жамият қурилишида демократик андозалар ва тамойилларни янада чуқурроқ татбиқ этиш, ҳокимият—яъни, қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро мувозанати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариши учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил қилиб бериш.

Ҳеч шубҳасиз, бу вазифалар қаторида сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг сиёсий онги ва тафаккурини, айни пайтда, сиёсий фаоллигини ошириш вазифалари энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Бу масалаларнинг моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, шуни чуқур англаб олишимиз керакки, агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган демократик баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва вазифаларни тўлиқ ва холисона бажармаса, бу ҳолат, ҳеч шубҳасиз, шу мамлакатда авторитар бошқарув усули юзага келишига ва шу руҳдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Натижада давлат ва жамият бошқаруви бўладими, иқтисодиёт ёки ижтимоий-маънавий соҳа бўладими, буларнинг барчасида салбий оқибатлар, халқнинг норозилигига сабаб бўладиган нохуш вазиятлар вужудга келиши мумкин.

Биз ўтиш даврида ўз бошимиздан кечирган турли объектив сабаб ва қийинчиликлар туфайли юқорида зикр этилган муҳим вазифанинг ижросини таъмин қилишда кўпгина муаммоларга дуч келганимизни очиқ айтиш лозим.

Бунда малакали кадрлар ва мутахассисларнинг етишмаслиги, керак бўлса, тафаккуримизнинг оқсоқлиги, вазиятнинг мураккаблиги, энг муҳими, қонунчилик соҳасида етарли тажрибага эга бўлмаганимиз ишимизга ҳар қадамда тўғаноқ бўлиб турганини ҳам холисона тан олишимиз даркор.

Айни пайтда, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқарувининг кенг кўламли қонунчилик асоси ва ривожланган тизими қарор топди, зарур кадрлар таркиби тайёрланди.

Фуқароларнинг ижтимоий тафаккури, сиёсий маданияти сезиларли даражада ўсди. Демоқчиманки, энди авторитар бошқарув усулларини ҳеч қандай шароит ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан оқлаб бўлмайди.

Мана шу талабларни бажарган ҳолдагина биз ҳаётимизда қонун устуворлигини амалда таъминлашга ва мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришга эриша оламиз.

Иккинчи масала. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш бизнинг қонунчилик ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида туриши ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бу муаммолар билан узвий боғлиқ бўлган сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш масалалари ҳам ана шу долзарб вазифалар қаторида туради.

Тан олишимиз керак — биз очиқ, ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқчи эканмиз, бу муаммоларни ечиш йўлида ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қабул қилинган қонунларимиз ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини танқидий кўз билан баҳолаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тегишли халқаро ташкилот ва марказлар билан бирга қонунчилигимизни такомиллаштириш устида ишлашимизни, аввало ҳокимият ва суд органларининг бу борадаги масъулиятини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Учинчидан. Иқтисодиётимизни эркинлаштириш,мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қатъий чоралар кўриш,хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш,кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда,бу тармоқларни уларнинг қўл-оёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос этиш — бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Бу масалада биз тараққий топган давлатларнинг ўта муҳим бир тажрибасига эътибор беришимиз лозим.

У ҳам бўлса, эркин иқтисод ривожланиши учун қонунлар билан кафолатланган шароит ташкил қилиб беришдир.

Бу мамлакатларда давлат ҳокимияти, унинг назорат ва текширув органлари иқтисодиёт ва хўжалик субъектларининг ишига аралашмоқчи бўлса, уларга фақат қонун устуворлиги ва унинг бажарилишини таъминлаш нуқтаи назаридангина таъсир ўтказиши мумкин.

Бу субъектларга бошқача таъсир ўтказиш қатъиян ман этилади.

Тўртинчидан. Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа — у ҳам бўлса, «Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир.

Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади.

Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз.

Иккинчидан — жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор.

Барчамиз бир ҳақиқатни хаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин — барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суиистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади.

Бундай тушунчани кенг жамоатчилик орасида татбиқ этиш ва бу йўналишда ўзимизга мос, ўзимизга хос тегишли қонун ва нормаларни ишлаб чиқиш, унинг амалда бажарилишини таъминлаш — бу масала ҳам биз қураётган демократик жамиятнинг асосий бир аломати ва қоидасига айланиши зарур.

Мана шундай эзгу ва амалий мақсадларимизга эришиш ва бу борада керакли ҳуқуқий шароит туғдириб бериш учун, ўйлайманки, «Нодавлат, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш пайти келди.

Бу ҳуқуқий ҳужжатда, хусусан, нодавлат тузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун қонун асосида махсус молиявий жамғармалар ташкил этиш, уларнинг шакллантириш тартибини ҳам кўзда тутиш лозим.

Ва, айни пайтда, нодавлат, жамоат тузилмаларини яратиш жараёнини рағбатлантиришга оид бошқа иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни ҳам ишлаб чиқишимиз зарур.

Бундай тадбирларнинг асосий мақсади, аввало, жамоатчилигимиз, кенг оммаининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ва шу билан бирга уларнинг давлатимиз ва жамиятимизни бошқариш масаласига кўпроқ жалб қилишдир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Азиз дўстлар!

Биз бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим воқеа бўлган референдум, яъни халқ иродасининг олий ифодаси сифатида ўтказилган умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш ҳақида гапирар эканмиз, барчамиз яхши тушунамизки, бу вазифани, унинг турли оқибатларини бир қарашда, бир чиқиш ёки бир маърузада ўзимизга тўлиқ тасаввур қилишимиз, албатта, бу жуда мураккаб масала.

Ва, ўйлайманки, бундай вазифани охиригача ҳал қилиш учун ҳали кўп ишлашга, мана шу минбарда, парламентимизда бунга тегишли кўп масалаларни муҳокама этиб, аввало, ўз имкониятларимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида, шу билан бирга жаҳон тажрибаси ва тавсияларини инобатга олган ҳолда, пухта ўйланган кўпгина қонун ва қарорларни қабул қилди.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бугун олдимиздаги долзарб вазифалар, келажак режалари ҳақида фикр юритар эканмиз, бундан ўн йил муқаддам шу йўлнинг бошида туриб, халқимиз турмушини ҳавас қиладиган даражага кўтаришга азму қарор қилганимиз, эзгу орзу-мақсадларимизни мураккаб вазиятларда белгилаб олганимиз, қандай оғир ва қийин шароитда иш бошлаганимиз беихтиёр хаёлимизга келади.

Очиқ тан олишимиз керак, ўша вақтда қандайдир иккиланиб турган, керак бўлса, бу йўлга шубҳа билан қараган одамлар ҳам йўқ эмас эди. Буни ҳам тушуниш мумкин.

Чунки, биз илгари дуч келмаган ўта мураккаб вазифа ва муаммоларни ҳал этиш йўллари, бир-биридан оғир масалаларни ечиш учун тайёр рецептлар бўлмаган ўша дастлабки пайтларда бундай иккиланиш ҳолатлари юз бериши ҳам табиий эди.

Бугун бошимиздан кўп машаққатли синов ва оғир кунларни кечириб, босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, биз шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, беш тамойилга асосланган тараққиёт моделимиз, шиоримизга айланиб кетган «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун» ва «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», деган принципларимиз ҳаётимизда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Агарки, бугун мендан, ўтган шу ўн йил давомида, Ўзбекистон ва унинг халқи ҳаётида рўй берган энг муҳим ва ҳал қилувчи ўзгариш нимадан иборат, деб сўраса, мен шундай жавоб берган бўлар эдим.

Бугунги Ўзбекистон фуқаролари, халқимиз ўн йил мобайнида жуда катта, асрларга тенг йўлни босиб ўтди ва бугун юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган жараёнга айланди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Энг муҳими, бугун халқимизнинг онгу тафаккурини ўн йил аввалги қарашлар билан солиштирганда, ўртада ер билан осмонча фарқ бор, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Узоққа бормасдан, азиз дўстлар, биродарлар, мана шу муҳташам, ҳамманинг ҳавасини тортадиган Олий Мажлис залида ўтирган депутатларга, ўзимизга боққанда ҳам мана шу ҳақиқатнинг тасдиғини кўриш мумкин.

Биз ўн йил олдин ким эдик ва бугун киммиз?

Биз бугун ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, ўз меҳнати, ғайрат-шижоати билан халқаро майдонда обрў-эътибор қозонган, эртанги кунга ғурур ва ифтихор, катта ишонч билан қараётган халқнинг вакиллари, шундай мард ва танти халқнинг фарзандларимиз.

Мана шундай олижаноб туйғулар билан, тарих олдида, халқимиз олдида ҳамиша катта масъулият билан яшаш ҳаммамизнинг кундалик ҳаётимиз ва онгу шууримиздан теран жой олишини истардим.

Бизнинг эндиги вазифамиз — мана шу йўлдан оғишмай, бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириб, пировард натижага етказиш ва «Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдан иборат.

Бугун мана шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, яна бир масалага алоҳида эътиборингизни тортмоқчиман.

Яъни, кўп-кўп хорижий давлатларнинг раҳбарлари билан, бизнинг баъзи бир танқидчиларимиз билан учрашувларда айтадиган гапимни яна бир бор такрорламоқчиман.

Биз янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги ислоҳотларимизни, ўзгаришларни кимларгадир яхши кўриниш,кимларнингдир ҳомийлигига эришиш, шу тариқа кимлардандир садақа ундириш учун эмас, балки бу ишларни, аввало халқимиз манфаатларига тўла жавоб бергани учун амалга оширмоқдамиз ва келажакда ҳам бундай қараш ва интилишлардан қайтмаймиз.

Биз демократик янгиланиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида қанча-қанча қийинчилик ва машаққатлар эвазига қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасини аввало ўзимиз учун, юртимиз учун, фарзандларимизнинг келажаги, уларнинг бахт-саодати учун, деб билмоғимиз даркор.

Барчамиз учун, бугунги ва келажак авлодлар учун мана шундай қарашлар, юрт ва халқ манфаатларига содиқ бўлиш бизнинг доимий шиоримизга айланиб қолади, иншоаллоҳ.

Сўзимнинг охирида ана шу марралар, ана шу эркин ва фаровон ҳаётга етиш, қилган меҳнатларимизнинг роҳатини кўриш барча ватандошларимизга, шулар қаторида сиз муҳтарам депутатларга ҳам насиб этсин, деб тилак билдиришга ижозат бергайсизлар.

Учрашувда конгрессменлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифларини инобатга олиб, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилди ва «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга оширилади-ган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорни маъқуллади.

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни сессияга тақдим этди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Парламент сессиясининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарикнинг Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Сессияда Тошкент архитектура ва қурилиш институти ректори Б.Асқаров, «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, «Наманганирригациякурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев ушбу қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини билдирди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Булунғур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Андижон вилоятидаги «Андижон нашриёти» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нўъмонов, Сирдарё тумани ҳокими А.Синдаров иштирок этди.

Парламент қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

* * *

Тошкентда 5 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловларини ўтказиш муддатлари ҳақида кўплаб саволлар келиб тушаётгани муносабати билан парламент Раиси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдуми қарорлари ва "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун асосида тегишли қарор қабул қилиш таклифини сессия муҳокамасига ҳавола этди. Депутатлар бу таклифни қўллаб-қувватлади ва навбатдаги сайловларни ўтказиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев сессия муҳокамасига "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қўйди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов иштирок этди.

Қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби суғурта тизимини кенг қўллаш зарурлигини таъкидлади. Суғурта ҳаётимизнинг меъёрига айланиши лозим, шу сабабли уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур.

Депутатлар қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди. Мазкур масала муҳокамасида Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Андижон тумани ҳокими Х.Ҳакимов, Навоий тумани ҳокими Э. Бердиев сўзга чиқди. Парламент қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақида сессияда Олий Мажлиснинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзаев ахборот берди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Тошкент давлат аграр университети кафедра мудири А.Абдураҳимов, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори М.Мамажонов иштирок этди.

Президент Ислом Каримов ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида чиқиндиларга эгалик қилиш ҳуқуқларига оид моддага ўзгартириш киритишни таклиф этди.

Олий Мажлис давлатимиз раҳбари таклифини инобатга олиб, мазкур қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессия парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотини таъсис этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси котибияти раҳбари Г.Латипованинг сессия давомида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2001 йилдаги фаолияти ҳақида маъруза қилди. Депутатлар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, "Бухоросувқурилиш" очиқ турдаги акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаровнинг чиқишларидан сўнг ушбу ҳужжатни тасдиқлади.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанинг Коинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роурбаҳер раҳбарлигидаги конгрессменлар делегациясини қабул қилди.

11 сентябрдан кейин Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ривожининг суръати ошди. Бунга Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда АҚШни қатъият билан қўллаб-қувватлагани ҳам сабаб бўлганини таъкидламоқ керак.

АҚШ Конгрессининг мамлакатимизга ташриф буюраётган делегациялари сони кўпайгани эса Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари изчиллик билан ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Учрашувда конгрессменлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Чилонзор туманидаги 138-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Қодирова 11 йилдан бери ёш авлодга математика фанининг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Ўқувчилар муаллиманинг дарсини диққат билан тинглайдилар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Munosabat

Узбекистон Республикаси Президентининг "Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонини барча, айниқса, олимлар ва зиёлилар якдилликда эътироф этдилар. Зеро, ушбу ҳужжат мамлакатимиз илмий-технологик салоҳиятини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, уни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар талабларига мувофиқ амалга ошириш ҳамда юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан эътиборлидир.

Шу боисдан ҳам Юртбошимиз номига кўплаб мактублар келмоқда. Жумладан, Ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятидан йўлланган мактуб ҳам шундай хатлардан бири.

Мактубда илмий-технологик тараққиётни таъминлаш, йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларининг холис ва мустақил экспертизасини амалга ошириш ҳамда инновацион жараёнларни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий-ташкилий тузилмаларнинг шакллантирилганлиги, юқорида кўрсатилганларнинг тегишли механизмлар билан таъминланганлиги айни муддао бўлганлиги таъкидланади. "Мазкур Фармон сабаб биз ҳам ўз вазифаларимизни белгилаб олдик. Ишонтириб айтамизки, жамиятимиз фаолияти мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти талабларига мувофиқ бўлади", дейилади мактуб ниҳоясида.

Дарҳақиқат, ушбу Фармон мамлакатимизнинг илмий ва технологик салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда мамлакат илмий-техникавий тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар савияси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда фойдаланиш имкониятларини кескин кенгайтиради.

Ko'rgazmali seminar

ПАХТАЧИДА "МАКТАБЛАР КУНИ"

Яқинда Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида "Мактаблар куни" муносабати билан кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Семинарда вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, халқ таълими соҳаси бўйича вилоят вакиллар Кенгаши аъзолари, халқ таълими бошқармаси ходимлари, туман халқ таълими бўлими мудирлари, туман ҳокимликларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, туманлардаги ибратли мактаблар директорлари, мактабгача таълим муассасалари мудиралари, ҳомий ташкилот раҳбарлари ва фахрий педагоглар, ёш муаллим ва тарбиячилар иштирок этдилар.

— Семинарни ўтказишдан мақсад — таълим соҳаси ходимларини қўллаб-қувватлаш, қолаверса, таълим ислоҳотларини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни раҳбар ходимлар ва ҳомийлар билан биргаликда ижобий ҳал этишдан иборат, — деди таълим соҳаси бўйича вилоят ҳокимлиги вакиллар Кенгаши раиси И.Раупов.

Ўтган йили вилоят ҳокимлиги қошида таълим соҳасида самарали меҳнат қилган фахрий педагоглардан иборат халқ таълими бўйича вакиллар Кенгаши тузилиб, кейинчалик туман ҳокимликлари қошида ҳам бундай Кенгашлар ташкил этилган ва жойлардаги таълим муассасаларини ўрганишга киришилган эди.

Шу ишларнинг натижасида қайси мактаб ёки мактабгача таълим муассасасига қандай ёрдам кўрсатиш лозимлиги аниқлаб олиниб, аниқ иш тартиби белгилаб чиқилди...

Тумандаги 47 та мактаб, 44 та мактабгача таълим муассасаси ва 2 та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолияти ҳамда ҳамкорликда йўлга қўйилган амалий ишлар билан семинар иштирокчилари яқиндан танишдилар. Ўзаро фикр алмашдилар.

Сўнгра семинар кун тартибидаги асосий масала "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг вилоятда бажарилиши ва таълим муассасаларига "Мактаблар куни" муносабати билан кўрсатилаётган ҳомийлик ишлари таҳлилга тортилди. Самарқанд вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев семинарда сўзга чиқиб, халқ таълимини юқори даражага кўтариш фақатгина шу соҳа ходимларининг иши эмас, балки вилоятдаги барча раҳбарларнинг, тадбиркор ва зиёлиларнинг олдида турган асосий вазифалардан эканлигини таъкидлади.

Кўргазмали семинарда таълим ходимлари фаолиятига ҳам холисона баҳо берилиб, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар тўғри кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, энг илғор мактаб раҳбарлари, ташаббускор ўқитувчилар, мактабгача таълим муассасалари ходимлари, фахрий педагоглар сўзга чиқиб, таълим мазмунини бойитишда қўлга киритилаётган ютуқлар ва ташаббускорлик ишлари ҳақида гапирдилар. Илғор педагоглар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, миннатдорчилик хатлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Семинарда Пахтачи тумани мактабларида бир қатор ибратли ишлар ҳам амалга оширилганлиги қайд этилди. Чунончи, 17-20-мактаб жамоалари тадбиркорлик ишларини яхши йўлга қўйганлар. Бу мактабларда деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ишлари ривожлантирилиб, ишлаб топилган маблағ мактабнинг моддий техника базасини яхшилаш ишларига сарфланмоқда. Бу мактаблар қуйи синф ўқувчиларининг бепул нонушта билан таъминланаётганлиги ҳам алоҳида мақтовга сазовордир.

Семинар якунида вилоят ҳокимлигининг 2002 йил 27 мартдаги "Пахтачи туманидаги халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг моддий негизини яхшилаш ҳақида"ги фармойиши ўқиб эшиттирилди. Фармойишда тумандаги 35-мактаб биносини таъмирлаш учун 30 млн. сўм, 20-мактаб спорт залининг томини ёпиш учун 600 дона шифер, 52-мактаб-интернат биносини таъмирлаш учун 15 млн. сўм ҳамда туман ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида 10 млн. сўм маблағ турли ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилганлиги эълон қилинди.

Шунингдек, вилоят бюджетининг кўзда тутилмаган харажатлар маблағлари ҳисобидан кўргазмали семинар натижалари бўйича ҳар бир тумандан биринчи ўринни олган мактаб директорини хорижий мамлакатларга бепул хизмат сафарига юбориш ва биринчи ўнликдан жой олган мактаб директорларини оиласи билан Тошкентдаги сиҳатгоҳларга соғлиғини тиклаш учун имтиёзли йўлланма беришга қарор қилинди. Туман халқ таълими бўлимига эса "Тико" енгил хизмат автомашинаси ажратилди.

Тумандаги 21-мактаб иқтидорли ўқувчиси Ойсулув Саъдинованинг рағбатлантириш мақсадида рангли телевизор, ётоқхона жиҳозлари, ёзув столи олиб бериш учун бир миллион сўм ажратилди.

Кўргазмали семинарда мактабларда маркетинг хизматини яхшилаш, педагог ходимлар маънавиятини юксалтиришга эътиборни қаратиш, мактабларни юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш, компьютер техникаси билан жиҳозлаш юзасидан билдирилган таклифлар қабул қилинди.

Навбатдаги кўчма семинар эса апрель ойининг охирги ҳафтасида Қўшработ туманида бўлиб ўтади.

Назокат ШЕРБОЕВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

"Ma`rifat" tanlovi

МАРТ ОЙИ ҒОЛИБЛАРИ

Баҳорнинг илк ойи бўлмиш гўзал байрамларга бурканган март ойи ҳам бир пасда ўтиб, унинг ўрнини атрофни яна ҳам яшартириб ям-яшил тусга буркаган апрель ойи эгаллади. Шу ўтган бир ой давомида газетада жуда кўплаб таҳлилий, танқидий ва байрамона рухда ёзилган ижодий мақолалар эълон қилинди. Бу ижодларнинг бир қанчаси "Маърифат" танловининг ғолиби бўлиши мумкин эди. Аммо танловда ҳар бир номинация бўйича фақат ва фақат биттадан ғолиб бўлади. Шуни инобатга олиб таҳририят ижодий ходимларидан тузилган таҳлил гуруҳи ушбу материаллардан ҳар бир номинацияга мос ва энг сараларини танлаб, сиз азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этмоқда. Танишинг танловнинг навбатдаги ғолиблари...



Энг яхши мақола — *Қурбонбой Матқурбонов, "Масъулият ва бурч" мақоласи учун (2002 йил 27 март сони)*

Энг яхши саҳифа — *Минҳожиддин Мирзо, "Порт-лаш эффектининг илк нишонаси" саҳифаси учун (2002 йил 13 март сони)*

Энг яхши интервью — *Шарифа Мадраҳимова, адабиётшунос олима Ф.Сулаймоновадан олган интервьюси учун (2002 йил 30 март)*

Энг яхши янгилик — *Абдумажид Азимов "Туркистон-пресс" мухбири, "Шарофиддин Англияда" хабари учун.*



Энг яхши сурат — *Ф. Қурбонбоев, Ўзбекистон ва АҚШ президентлари учрашувидан олган лавҳаси учун. (2002 йил 16 март)*

Дарҳақиқат, март ойи гўзал юртимизга қутлуғ байрамлар билан ташриф буюрди. Ана шу шодиёнларга тўла байрамлар билан овора бўлиб танловда иштирок этолмаганингиз, бу узрли, албатта. Лекин, бундан буён атрофнинг яшиллигидан илҳомланиб, танловимиз ғолиби бўлишдек бахтга муяссар бўлишингизга ишончимиз комил. "Маърифат" танлови давом этмоқда. Яна такрор ва такрор айтамизки... **ТАНЛОВИМИЗГА МАРҲАМАТ!**

МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

ёхуд Андижон вилоятида авария ҳолатидаги мактаблар камаяётгани хусусида

Хўжаобод туманидаги Эгамбердиобод қишлоғида жойлашган 17-ўрта мактабнинг бошланғич синфлар ўқийдиган биноси яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Муаллимлар жамоаси таътил даврида шу бинони қайта қуриш ташаббуси билан чиқдилар. Бу таклиф туман халқ таълими бўлими ҳамда туман ҳокимлиги томонидан маъқулланиб, ишлар бошлаб юборилди.

Мактаб қурилишига қишлоқ аҳли яқиндан ёрдам берди. Муаллимлар, қишлоқ ҳашарчилари ёрдами билан 400 ўринли мактаб биноси икки ойда қуриб битказилди. Мактаб жамоаси, қишлоқ аҳли, ҳомийлар кўмагида туман ҳокимлиги ташкилотчилигида бунёд этилган янги мактаб мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига муносиб совға бўлди. Мактаб ўқувчилари Истиқлол дарсини янги бинода ўтдилар. Шу тариқа Андижон вилоятидаги яна битта авария ҳолатидаги мактаб янги бинога эга бўлди.

Халқ таълими ходимлари оғзидан "авария ҳолатидаги мактаб" иборасини тез-тез эшитиб турамиз. Мазкур ибора замирида оламча ташвиши бор ибора билан аталадиган мактаб жамоасининг ўзигагина аён. Андижонда ўшандай "оламча ташвиши бор" мактабларни камайтириш, яъни янги мактаб қуриш ёки бошқа рисоладагидай биноларга кўчириш борасида анчагина ибратли ишлар амалга оширилди.

2000 йилнинг бошида вилоятда 48 та мактаб авария ҳолатидаги муассасалар сифатида рўйхатга олинган эди. Икки йил давомида шундай мактаблар сонини бошқа биноларга кўчириш, мукаммал таъмирлаш ва янги бино қуриш ҳисобига 48 тадан 15 тага туширилди. Хўш бу натижага қандай эришилган?

Жумладан, Андижон шаҳридаги 26-ўрта мактаб ва 13-махсус мактаб-интернатларининг бинолари яроқсиз ҳолда эди. Ҳар иккала таълим маскани ҳам ишламаётган болалар боғчалари биноларига кўчирилди. Қорасув шаҳридаги 4-ўрта мактаб ҳам фойдаланилмаётган боғча биносига кўчирилди. Асака туманидаги 6 та мактаб, Булоқбоши туманидаги иккита мактаб, Олтинкўл туманидаги 1 та, Пахтаобод туманидаги иккита, Қўрғонтепа туманидаги битта мукаммал таъмирланган туфайли "авария ҳолатидаги мактаб" номини ўзларидан соқит қилдилар.

Тасаввур қилинг, демак рисоладагидай биноларга кўчирилган мактабларда ўқиш сифати, муаллимлар ишидаги ташаббускорлик ҳам ошган. Ота-оналар қувончини айтмайсизми!

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтишни лозим деб билдик. Вилоятда таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш борасида сармоядан ташқари маблағлар ишлаб топиш ва ҳомийлар ёрдамларини уюштириш ишлари анча ривожлантирилди. Ўтган икки йил мобайнида таълим муассасаларига 783 млн. 402 минг сўм миқдорида ҳомийлик ёрдамлари уюштирилди.

Шаҳрихон туманидан саҳоватли тадбиркор Комилжон Отахонов маблағи асосида 350 ўринли мактаб қуриб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда тумандаги 2-мактаб ўқувчилари ушбу бинода ўқишни давом эттирмоқдалар. Олтинкўл туманидаги "Туркистон" ширкат хўжалиги ҳудудидаги 330 ўринли 20-ўрта мактаб ҳам тадбиркор Ҳабибулло Мақсумов маблағи асосида қуриб битказилди. 20-мактаб ўқувчилари ҳам истиқлолимизнинг 10 йиллик тўйини янги бинода нишонладилар. Булоқбоши туманида истиқомат қилувчи тадбиркор Абдужалил Шарипов ҳам шу тумандаги Ширмонбулоқ қишлоғида ўз маблағи ҳисобидан 320-ўринли мактаб қуриб берди. Унинг саховати туфайли тумандаги 30-мактаб ўқувчилари янги бинога эга бўлдилар. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Таълим муассасаларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ҳамда авария ҳолатидаги мактаблар муаммоларини тез фурсатда ҳал қилиш борасида Асака, Қўрғонтепа, Булоқбоши, Жалақудуқ, Хўжаобод туманлари ҳокимликларининг саъй-ҳаракатларини, ибратли ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда бугун авария ҳолатидаги мактаблар сони 15 та. Вилоят халқ таълими бошқармаси мазкур мактабларни имкон қадар камайтириш борасида тинмай изланмоқда. Бу ишни амалга ошириш йўлида ҳомийлар кўмагидан фойдаланиш, ички имкониятларни излаб топиш, ҳашар уюштириш каби тадбирлардан фойдланилмоқдаки, бу авария ҳолатидаги мактабларни тез орада бартараф этиш имконини беришига шак-шубҳа йўқ.

О.СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Дарҳақиқат, муаллим, энг аввало, ўз касбини севмоғи, уни улуғламоғи керак. Ана шундай муаллимни эл ҳам улуғлайди.

ҚИШЛОҚДАГИ ИХТИРОЧИ МУАЛЛИМ

ёхуд оддий математика фани муаллими Баҳодир Райимқуловнинг илмий изланишлари хусусида

Баҳодир — қишлоқ йигити. У қишлоқда таваллуд топди, қишлоқда ўсди. Унда илк болалик онларидаёқ математик иқтидор ўзгача эди. У 7-синфни тугатдию Тошкентга, Ўзбекистон Миллий университети қошида ташкил этилган академик С.Сирожиддинов номидаги мактаб-интернатга ҳужжат топширди. Илк синов онларидаёқ қишлоқ боласидаги қобилият устозларга мақбул тушди. У барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ушбу махсус илм мактабига қабул қилинди.

Баҳодир 1990 йилда мактаб-интернатни "аъло" баҳоларга тугатиб, Ўзбекистон Миллий университетининг "Амалий математика ва механика" факультетига талабаликка қабул қилинди. Баҳодир университетни ҳам фақат "аъло" баҳоларда ўқиб тугатди. Устозларнинг "Баҳодир, сен университетда қолиб илмий иш қил, математика фани бўйича янгилик ярат!" деган таклифларига у "Йўқ мен қишлоққа кетаман, қишлоқ болаларини ўқитаман. Мактабда ҳам янгилик яратиш мумкин" дея она қишлоғи Дамга қайтди.

Эшитганингиз борми, нуроний қарияларимиз бир гапни айтишади: "Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар "омин" дермиш". Қаранг, жорий йилимизда Чироқчи тумани Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослашган боғча-гимназия интернатининг математика фани муаллими Баҳодир Райимқулов математика фани бўйича кетма-кет янгиликларга қўл урди.

— Неча-неча асрлардирки, жаҳон математиклари мунтазам кўпбурчакларнинг юзини доимий бир формула ёрдамида топиб келадилар, — дейди ёш иқтидорли муаллим Баҳодир Райимқулов. — Ўша формулада синус, косинус ва котангенс функцияларидан фойдаланилади. "Ана шу юзани бу функцияларнинг фақат биттасидан фойдаланиб топиш мумкин эмасми?" Бу саволга жавоб устида мен узоқ йиллар бош қотирдим. Кунлардан бирида шу мавзуга оид бир масалани ечиш жараёнида мен қидириб юрган нарса мумкин эканлигини илғаб олдим. Хуллас, ўзим қидирган формулани яратдим. Ушбу формулага мувофиқ мунтазам кўпбурчакнинг юзи топилганда бизга томон узунлиги, томонлар сони ва биргина котангенс функцияси билан боғлиқ ҳисоб-китоб керак бўлади, холос...

Бир сўз билан айтганда, Чироқчи таълимининг машъал муаллими Баҳодир Райимқулов математика фанида ҳали яратилмаган формулани кашф этди. У инсон заковати ҳали жуда кўп нарсалар ихтиро қилиши мумкинлигини яна бир бор намойиш қилди.

— Истиқлолимизнинг улуғ 10 йиллиги шахсан мен учун жуда омадли келди, — деди Баҳодир Райимқулов. — Мен мунтазам кўпбурчаклар юзини топишнинг маъқул формуласини топишдан ташқари синус ва косинус функциялари орқали ифодаланган бир ўзгарувчили биринчи даражали тригонометрик функцияларни ечишнинг ҳам янги бир усулини яратдим. Жорий йилда ушбу янгилик ва бир қатор мисол ва масалаларимни жамлаб "Мунтазам кўпбурчаклар юзини топиш усуллари" деб номланган илмий-услубий китобчамни чоп эттиришга муяссар бўлдим..."

— Баҳодиржон ҳақида гап кетганда жамоамиз аъзоларининг қалбларида илиқлик сезилади - деди Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослашган боғча-гимназия интернати директори Гулнора Ибодова. — Унда математика фани бўйича алоҳида иқтидор бор. Биласизми, Баҳодиржон болаларни севади, ўзи ҳам болалардек самимий ва беғубор. Гимназия ҳовлисидами, залдами, ошхонадами, қачон кўрмай атрофида 4-5 бола, унинг қўлларида қоғоз-қалам, қандайдир мисол ёки формулани тушунтириб туради...

Дарҳақиқат, муаллим, энг аввало, ўз касбини севмоғи, уни улуғламоғи керак. Ана шундай муаллимни эл ҳам улуғлайди. Шу ўринда яна битта гап. "Мулла бўлсанг, такрор қил". Ҳа, шундай, муаллим тинимсиз ўқимоғи, ўрганмоғи ва яна ўз соҳаси бўйича нимадир кашф этмоғи керак. Бамисоли чироқчилик ёш ва иқтидорли муаллим Баҳодирхон Райимқулов сингари. Ана ўшандагина Юртбошимиз айтганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишади.

Абдували ОБИДДИН,
махсус мухбиримиз

АЁЛЛАР ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Яқинда "Ижтимоий фикр" марказида "Ўзбекистон аёлларининг мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётда иштироки" мавзуидаги "фуқаролик форуми" лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуманда бир қатор психологлар, социологлар маъруза қилишди. Маърузаларда Ўзбекистондаги ижтимоий, сиёсий, маънавий жабҳаларда иштирок этаётган ўзбек аёлларининг мавқеига алоҳида баҳо бериб ўтилди. Сўзга чиққанлар Шарқ кишилари ўртасидаги 100 жиноятдан 12 таси аёлларга тўғри келиши ва Шарқ аёллари орасида жиноят ўсмаслиги билан ажралиб туриши, Шарқ аёлларининг маънавий, маданий, диний жиҳатдан юксаклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Анжуманда Германиянинг Фридрих Эберт фонди ходими Н.Резякова ва Германия хотин-қизлар жамияти етакчиси Моника Бердинглар иштирок этишди. Моника Бердинг Германиядаги аёлларнинг яшаш даражаси, маънавий, сиёсий, иқтисодий жараёндаги ўрни, оиладаги салоҳиятини гапириб, муаммо ва ютуқларни таҳлил қилиб берди.

Дилором ФАЙЗИЕВА

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ўз ҳаётини ёш авлод таълим-тарбияси билан бевосита боғлаган инсонлар сирасига ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейда инглиз тилидан ёшларга сабоқ бериб келаётган Раъно Шариповани ҳам киритса бўлади.

Ижодкор ўқитувчи академик лицейлар учун тажрибали ўқув дастурини тузувчилар гуруҳи аъзоси сифатида ушбу тизимдаги таълим мазмунини такомиллаштириш жараёнига ҳам ўзининг салмоқли улушини қўшиб келаётир. У Очиқ жамият институти — Ўзбекистон томонидан ташкил этилган семинар-тренингларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, махсус сертификатга эга бўлган.

Айни кунда Раъно Шарипова ўз шогирдларига инглиз тили сир-асрорларини ўргатиш баробарида янги педагогик технология асосида таълим самарадорлигини ошириш мақсадида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда.

Суратда: тажрибали педагог Раъно Шарипова дарс жараёнида.

ЯНГИЛАНИШ ОДИМЛАРИ

Ҳунар инсон камолотининг етакчи омилларидан бири. Зеро, инсон ўзининг меҳнати, қилган иши, касб-кори билан ҳаётда ўз ўрнини топади, эл ичида обрў-эътибор қозонади.

Ҳамсуҳбатимиз Бахтиёр Еримбетов Тўрткўл туманидаги маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежида директор лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Биз Бахтиёр ака билан учрашиб, унга соҳага тааллуқли саволлар билан мурожаат қилдик:

— Эсингизда бўлса, илгарилари умумтаълим мактабларида фанлардан паст кўрсаткичлар билан ўқиётган, тартибсизроқ ва шўхроқ ўқувчиларни устозлари «Яхши ўқимасанг, сени СПТУга жўнатаман», дея пўписа билан қўрқитишар эди. Ҳозир ҳам умумтаълим мактабларидаги аҳвол шундайми?

— Ҳақиқатдан ҳам собиқ иттифоқ даврида касб-ҳунар билим юртларига умумтаълим мактабларидаги энг қолоқ ва паст ўзлаштирувчи ўқувчилар жалб қилинарди. Улар ҳам жуда тор йўналишдаги мутахассисликлар бўйича билим олишарди. Чуқур мулоҳаза қилинадиган бўлса, ўша йиллари халқнинг ва давлатнинг бу соҳаларга миллионлаб пуллари «елга» совриларди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, асосий иш таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлашга эътибордан бошланди. Энди бу ерга ўқувчилар илгаригидек мажбуран эмас, касб-ҳунарга дилдан ихлос қўйиб, ўз ихтиёрлари, қизиқишлари бўйича эркин касб танлаб кела бошлашди. Олдинги бир-иккита йўналишли касблар ўрнига, замон талабларига мос келувчи, ранг-баранг билимларни ўзида жо этган масканлар фаолият кўрсата бошлади. Ўқув юртларига берилган энг катта имкониятлардан бири— энди ҳар бир касб-ҳунар маскани ўз ҳудуди, шароити ва талабига мувофиқ мутахассислар тайёрлайди. Ана шундай мақсадларни ҳисобга олиб, бизнинг ўқув даргоҳимиз ҳам 2001 йилдан бошлаб маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежига айлантиримоқда. Ҳозирги кунда ўқув масканида радиотелеусталар, тикувчилик, ёнилғи мойлаш шаҳобчалари усталари, котиба-референт, бухгалтерия ҳисоби каби замонавий ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

— Ҳозирги даврда талабаларнинг кўнгилдагидек таълим олишлари, амалий машғулотлар билан шуғулланишлари ва дарсдан бўш пайтларида дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилганми?

— Ўзингизга маълумки, бугунги кунда ёшларимизни тадбиркор, фермер хўжаликлари етакчилари, иқтисодчилар қилиб тарбиялаш, уларга турли хил касб ва ҳунарларни ўргатиш давр талабидир. Ихтиёримизда 100 ўринли ётоқхона, 140 ўринли ошхона, клуб, ўйингоҳ, қишки спорт зали, 30 га яқин ўқув лабораториялари ва фан кабинетлари мавжуд. Талабаларимиз аввалгидай замонавий асбоб-ускуналар билан фақат китоб саҳифалари орқали танишиб қолмасдан балки, амалда «тилларашиб» келмоқдалар. Замонавий компьютерлар, янги стол-стуллар, ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган хоналар бунга ёрқин далилдир. Бўлғуси кадрларни бугунги кун талаби даражасида тайёрлаш учун педагогик жамоамиз барча имкониятларни ишга солиб, фаолият кўрсатмоқда.

Ўқув юртимизнинг 20 гектар ер майдонига эга ўқув ишлаб чиқариш хўжалиги бор. Ундан олинган даромаднинг маълум фоизини ўқув хоналари ва лабораторияларни жиҳозлашга, ўқув бинолари, ётоқхоналарни таъмирлашга ажратиб келмоқдамиз. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш амалиёти машғулотларини туманимиздаги «Нафосат» тикувчилик фабрикаси билан ҳамкорликда ўтмоқдамиз. Мавжуд тикувчилик, радио ва телевизор тузатиш, дурадгорлик устахоналари ҳам ўз фаолиятлари билан бизга мадад бўлаётир.

Jarayon

Муҳаммад Собир АЙТИМОВ
суҳбатлашди

Бугунги меҳмонимиз, кўпчиликка яхши таниш бўлган машҳур боксчи Руфат Рисқиевдир.

Mehmonxona

Руфат Рисқиев:

УСТОЗИМНИНГ СЎЗИ ҲАЁТИМГА ТАЪСИР ЎТКАЗГАН

— Халқимизнинг "Илм устози —ота мақомида, ҳунар устози — она мақомида", деган пурҳикмат мақоли бор. Шу сабаб, илк устозларингизни ёдга олсак.

— Мактабга илк қадам ташлаганимда, ким бўлиб етишиб чиқишимни билмас эдим. Ўшанда боксчи бўлишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. У вақтдаги устозларимни ёдга олиш қанчалик оғир эканлигини билсангиз эди. Эҳ! Чунки бизга энди ҳеч ким улардек илм ўргатмайди. Вақт ғанимат эканлигига шу аснода яна бир бор амин бўлмоқдаман. Сабаби ўшанда улардан янада кўп сабоқ олмаганимга афсусланаман. Аввало, онажоним ўқитувчи бўлганлиги учун илк саводимни чиқаришда улар муҳим ўрин тутган.

Шайхонтоҳур туманидаги 42-мактабда таҳсил олганман. Дастлабки билим олиш тошга ёзиш билан баравар экан. Чунки мактабда устозим Иосиф Арановдан олган билимларим худди тошга ёзилгандек ёдимда қолди. Ҳеч қачон устозларимни қалбим қўридан четлата олмайман. Бу хотиралар гўёки кечагидек ёдимда.

Боксга келадиган бўлсак, бу ҳаётим мазмунига айланган. Ёшлигимда спортнинг айни шу тури билан шуғулланишни бошлаганимданоқ жаҳон чемпиони бўлишни мақсад қилиб қўйгандим. Мақсадларимнинг ушалишида устозларим беқиёс хизмат қилишган. Устозларим кўп. Лекин энг асосий уч нафари Жексон Снегов, Александр Баранов, Гранкин Борисовдир. Уларнинг устозлик қилган вақтларини ҳам учга бўлсак яхшироқ бўларди. Худди таълим тизимидек боксдаги илк бошланғич устозим Жексон Снегов. Бокс сирларини чуқурроқ ўргатиб, таянч йўлланмани бергани Александр Баранов бўлса, кейинги олий маълумотни эса Гранкин Борисов давом эттирган. Шу нарсага амин бўлганманки, устозлар шогирдларини қанчалик қийнашса, ҳаётда шунчалик осон бўларкан.

— Ёшликда қандай бола бўлгансиз?

Ёшликда бола шўх бўлса, келажакда ундан бирон нарса кутса бўлади. Биз ҳам жуда шўх бўлганмиз. Лекин аниқ эсимда, ўртоқларим билан уришмоқчи бўлсам, анча ҳайиқиб турардим, ҳатто ҳазил тариқасида уришишга ҳам. Чунки уларга нисбатан ўша вақтда гавдали ва бақувват эдим. Улар ҳатто менга ҳазиллашишга ботина олмасдилар. Шунинг учун кўпроқ гавдамга мос келадиган ёши каттароқ болалар билан уришиб турардим. Ана шулардан бири ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди. Исми ёдимдан кўтарилган, хуллас, бир бола билан уришиб қолдим. Уни шунақанги дўппослаганманки, асти қўяверасиз. Эртаси куни акасини чақириб келган. Ёшим унинг ёшидан кичкиналигини эшитиб, мени уришишнинг ўрнига акаси ҳам укасини яхшилаб дўппослаганди. Ўша воқеанинг ёдимдан чиқмаслигига сабаб, шундан сўнг кучсизлар билан уришмайдиган бўлганман.

—Сиз қўлга киритган ютуқларингиз билан фахрланишга тўла ҳақлисиз деб ўйлаймиз. Келинг, яхшиси уларга батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Қаранг, вақт шунчалик тез ўтарканки, ёнингизга қарашга вақт тополмай қолар экансиз. Агар шу саволни 25 йил аввал сўрашганда ҳеч ҳам жавоб беролмасдим. Чунки, ўша вақтда ўз кўзи билан кўриб эшитганлар учун буни айтиб бериш қизиқ бўлмасди.

Ҳозир эса бунга эҳтиёж бор, сабаби аллақачон янги авлод шаклланиб улгурди. Уларга буни батафсилроқ айтиб берсак арзийди. Лекин, буни мақтанадиган иш дея олмайман. Жаҳон чемпионлигини қўлга киритгунча 30 марталар халқаро рингларга чиққанман. 1971 йилда Халқаро тоифадаги спорт устаси, 1975 йилда собиқ СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси деган номга сазовор бўлганман.

XXI олимпиада ўйинларининг кумуш совриндори, 1973 йилда жаҳон чемпиони бўлганман. Булардан ташқари Польша, Болгария, Германия, Австрия, Югославия, Куба, Испания, Франция давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда яхши натижаларни қўлга киритдим. 1976 йилда эса СССР—АҚШ халқаро турнирининг ғолиби бўлгандим. Булардан ташқари икки карра Куба чемпионлигини қўлга киритганман. Ҳозиргача мендан ташқари ҳеч ким Кубанинг икки карра чемпиони номига сазовор бўлганича йўқ.

— Ўзбекларнинг номини биринчилардан бўлиб жаҳон ареналарига чиқара олдингиз. Собиқ тоталитар тузум даврида буларга эришиш қийинчиликлар туғдирмаганми?

— Албатта, ўша вақтда осон кечмаган. Мисол учун: сизнинг ўғлингиз билан ўртоғи ўйнаб юрибди. Сиз қайси бирини боғга айлантиргани олиб чиқасиз. Табиийки, ўғлингизни. Ўша вақтда ҳам Собиқ марказ ўз спортчиларини жаҳонга олиб чиқишни хоҳларди. Москва номидан чиқсак-да, тренерларимиз бизга паст назар билан қарарди. Бир гал суҳбатлашиб ўтирганимизда Ўзбекистон ҳақида гап очилди. Шунда улар гўёки бизга тараққиёт олиб киргандек пичинг қилишди. Шунда ўзимни тутиб туролмасдан аждодларимиз илмда эришган ютуқлари билан минг йил аввал жаҳонни ларзага солаётган бир вақтда, сизларда миллат деган тушунча ҳам йўқ эдику, деб жавоб бергандим. Шундан сўнг иккинчи бор шунақа кесатиқ қайтармайдиган бўлишганди.

Ҳақиқатдан, жаҳон ареналарига чиқиш жуда қийин эди. Сабаби, биринчи ўринда 15 та республикада чемпионликни қўлга киритиш лозимлиги муҳим ўрин тутарди. Ҳозирги давр билан солиштириб кўринг! Дастлаб шаҳар, кейин вилоят, сўнгра республика чемпионати ва шундан сўнг халқаро йўл очилади. Ўйлаб кўрилганда, 15 давлат ўртасидаги чемпионатни ҳозирги вақтда жаҳон турнирлари билан баробар қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўша вақтда ўта кучли, бақувват ва пухта тайёргарлик кўриш шарт бўлган.

— Дастлабки жангларингизда тажрибасизлик қилиб панд еган пайтларингиз ринглардаги рақибларингизга қандай муносабатда бўлардингиз?

— Ёшлик — ғўрлик дегани. Ёш вақти ҳамма, мендан зўр одам йўқ деб ўйлайди. Ваҳоланки, мен ҳам ўзимни еттинчи осмонда ҳис қилардим. Қачонки, каллам деворга тўқ этиб урила бошлагандан кейингина кўзим очилиб борган. Шундай бўлса-да, ҳар бир рақибим орқали ўз камчиликларимни кўрардим.

Улар мендан устун бўлса, демак бирон нарса ўрганиб олардим. Ўша вақтда панд есам-да, менга мактаб бўларди. Ўзингиз биласиз, спортнинг ҳар қандай турида кимдир ғолиб, кимдир маглуб бўлиши одатий ҳол. Шунинг учун ҳам — бу спортдир. Масалан, атлетикани олайлик, унда ҳеч ким муштлашмасада, ғолиб аниқланади. Боксда кимнинг мушти зўр бўлса ўша зафар қучади. Лекин бу калтак единг, дегани эмас, кучлими демак уни тан олиш керак. Мен ҳеч қачон рақибимга нисбатан салбий муносабатда бўлмаганман. Кишида ақлдан жаҳл устун келса, ундан боксчи чиқмайди. Рингда шунга эътибор берилади. Сиз рақибингизнинг жаҳлини чиқара олсангиз, ўйлайверингки, сиз ғолиб, у маглуб бўлади.

— "Қолипсиз ғишт битмас, режасиз иш битмас". Бу ҳар бир ишни пухта ўйлаб режа билан қилиш дегани. Сиз ҳам спортга тасодифан кириб қолмагандирсиз?

— Албатта, режасиз ишни амалга ошириш қийин. Ҳатто оддий ишларнинг хомаки режаси бўлади. Менинг режаларим умуман бошқа эди. Лекин бокс оламига илк қадам қўйганимдан сўнг устозларим мендан яхши спортчи чиқишини таъкидлашганидан сўнг бутун имкониятларимни спортда синаб кўрганман.

Асосан, спортга кириб келишимга ўртоқларим сабабчи бўлган. Чунки, улар бокс билан шуғулланиб юргандан кейин сиз ҳам уларга қараб ҳаракат қилар экансиз. Менинг гавдамни кўрган устозим Жексон Снегов сендан яхши спортчи чиқади, фақат, ўз устингда кўп ишласанг, деганди. Балки шу сўзлар ҳаётимга таъсирини ўтказгандир.

Спортда режалаштирган ишни амалга ошириш игна билан қудуқ қазишдек. Жуда кўп меҳнат қилингандагина шулар орқасидан режалар амалга ошади.

—Маглубият — галдаги муваффақиятларга асос бўлади. Сиз маглуб бўлганингизда вазиятдан қандай чиқардингиз?

— Спортда ғолиблик билан маглубият ёнма-ён туради. Спортчи иккаласига ҳам тайёр туриши керак. Шу нарсани ҳис қила олсагина у профессионал бўлади. Менинг машқдаги, хоҳ рингдаги маглубиятим кейинги муваффақиятим бўлган. Аввал таъкидлаганимдек, ҳар бир камчилигимни улар орқали тўғрилаб борганман. Кейин катта рингда маглуб бўлишим мумкин деб, ўзимни руҳан тайёрлардим. Шунинг учун маглуб бўлганимда ҳам бу вазиятдан осон чиқардим. Ундан ташқари мен ғолиб бўлишим керак, деб шарт қўймасдим. Чунки, рақибим ҳам маглуб бўлиш учун рингга чиқмасди-да.

— Бугунги ўзбек боксчиларига муносабатингизни билдириб ўтсангиз?

Ҳозирги вақтда спорт турлари ичида бокс бўйича ўзимизга хос ўзбек мактабига асос солдик дея оламиз. Бу аллақачон жаҳонда эътироф этиб бўлинди. Бунинг бир қанча сабаблари ҳам бор. Нега шундайлигини ўйлаб кўрадиган бўлсак, спорт турлари ичида бокс, кураш бу миллатимиз қонида бор.

Бизнинг давримизда спортчилар кўп эди. Бироқ уларнинг йўллари ёпиқ эди.

Ҳозирда эса бизнинг спортчилар хорижий давлатларда беллашмоқда.

Бугунги кунда жаҳон бизнинг чемпионларимиз номларини санайдиган даражага етдик. Шунинг ўзи қандай эканлигимизни кўрсатиб турибди.

Бунга яққолроқ мисол қилиб Андижон бокс мактабининг вакилларини айтиш мумкин. Буларнинг ҳаммасига меҳнат орқали эришилмоқда. Лекин шоли курмаксиз бўлмайди. Айрим мураббийларнинг вақтдан самарали фойдаланмаётганликлари ачинарли ҳолдир. Спортчи ўз устида қанча кўп ишласа, шунча кўп ютуққа эришади. Андижон мактаби вакиллари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Темур Тўлаковларнинг эришган ютуқлари бунинг яққол мисолидир.

— Кўплаб давлатларда бўлгансиз. Ўша вақтда нималарни ўйлардингиз?

— Биринчи ўринда юртимизга ёруғ юз билан қайтишни, ҳамда онажонимга мен яна ғолиб бўлдим деб айтишни ўйлардим. Кейин менинг Ўзбекистондан сафдошларим бўлишини жуда-жуда орзу қилардим. Чунки, бизни москвалик сафдошларимиз унчалик назарга илишмасди. Иложи бўлса четлатишга ҳаракат қилишарди. Шунинг олдини олишни ҳам кўп ўйлардим.

— Шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Шогирдларим бор. Лекин мен бирон бир бокс мактаби очиб у ерда шогирдлар тайёрламаганман. Шундай бўлса ҳам кўпчилик спортчиларимиз маслаҳат олиб туришади.

— Ўқитувчиларимизга тилакларингиз.

— Ҳаётга қандай қарасангиз, шу нарса бўлади. Шундай экан ҳаммамиз яхши ният қилайлик. Биргина мисол, қандай салом берсангиз, шундай алик оласиз! Демак, ҳеч кимнинг ўртасида самимият йўқолмасин. Тайёрлаган шогирдлари ортидан ҳамма устозлар ҳурмат-иззатда бўлсин.

Шерзод АҲМАТОВ суҳбатлашди.

СОҲИБҚИРОННИНГ ЙИГИТЛИК ДАВРИ

Соҳибқирон Амир Темурга замондош бўлган муаррихларнинг ҳазрат тарихига бағишлаб ёзган асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, буюк давлат арбобига хос бўлган ватанпарварлик, оқиллик, тадбиркорлик, саҳийлик, узоқни кўра билиш, одамлар ва халқ дилига йўл топа олиш, фуқарога ғамхўрлик каби эзгу хислатлар унинг шахсида ҳали тожу тахт эгаси бўлмасдан анча олдин — ўсмирлик ва йигитлик даврида ёқ шакллана бошлаган. Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида келтирилишича, соҳибқирон йигитлик даврида ўз сафдошларига қарата шундай деган: "Қайси бир подшоҳ ўз ишини ғаддорлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, қарорсизликка юз тутади. Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз".



Самарқандда, Самарқанд қиблаи олам вад адаб!

Темурийлар даври тарихчиси Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" ("Муиниймнинг танланган тарихлари") асарида Амир Темурнинг йигитлик даври, айниқса, кенгроқ ва муфассал ёритилган. Бу асардан маълум бўладики, бир гуруҳ довюрак йигитларга бош бўлиб, мўғулларга қарши тенгсиз кураш бошлаган Амир Темур етук саркарда сифатида элу юрт олдидаги масъулиятни ҳис этади. Масалан, Натанзий шундай ҳикоя қилади: "Ушбу уруш-савашлар бўлаётган пайтда Баҳром Жалойирга ҳамроҳ бўлган мўғул лашкари талончилик қўлини мусулмонлар мулкига чўзиб, ҳаддан ошиқ ғаротгарчилик қилишаётган эди. Султони Ғозий (дин учун курашувчи султон, яъни Амир Темур) шундай фикр қилдики, агар мўғуллар ўлим майдонида эўравонлик қилиб, мусулмонлар қонини тўкишда давом этишса, қиёмат кунида бу ҳол учун жавобгарлик унга юкланади. Уларни даф этишни муҳимроқ ҳисоблади ва жиловни мажусийлар тарафга бурди. Мўғуллар вилоятда пароканда бўлиб кетишган эди. Қай бирини йўлиқтирса, ҳаялламай бўйнига қилич урдирди. Мўғуллар олган асирларини жой-жойида қолдириб, қочиб кетишди".

Соҳибқироннинг ҳарбий ва сиёсий фаолияти бошларида жанговар қудрати ҳали анча устун бўлган мўғулларга қарши кураш жуда оғир кечган. Бу даврда зафарлар билан йўқотишлар ҳам ўрин алмашиб турган ва Мовароуннаҳр бир неча бор қўлдан-қўлга ўтган. Аммо соҳибқирон умидсиз ўй-хаёлларни тезда ўзидан нари ҳайдаб, курашни қайта бошлаш учун ўзида сабот ва кучқувват топа олган. Муиниддин Натанзий ёш Амир Темур жанглардан бирида оғир ярадор бўлганидан кейин бошидан кечирган қуйидаги воқеани ўз асарида шундай баён этади: "Ҳазрат Султони Ғозий дўстларидан ажралганидан сўнг ўша қишлоқда маъюс ҳолда қолган эди. Бир куни у бир деворнинг соясида суяниб тураркан, ўзича ўйлади: "Талаб йўлининг ибтидосидаёқ қўл ва оёғимдан жудо бўлдим, аммо кўзланган муродлардан биронтаси ҳам ҳосил бўлмади. Эндиликда қаноат ва фақирлик гўшасига чекилиб, ўзимни олишувлардан халос этганим яхшидир". Шу аснода бир заиф чумоли девор тепасига тармашиб чиқа бошлади. У бир неча бор уринса-да, йўлнинг ўртасида йиқилиб тушар ва яна қайта тармаша бошларди. Ниҳоят, у тепага чиқди. Ҳазрат Султони Ғозий бу заиф чумолининг ахволи ўз ҳолатига жуда ўхшашлигини мушоҳада қилди ва дилида улкан саодатга умид уйғонди. Бу ҳол унинг муборак бадани сиҳат топишига ҳам сабаб бўлди".

Ушбу қизиқарли ҳикоя ўша даврда машҳур бўлиб, Натанзийнинг замондоши шоир Ҳайдар Хоразмийнинг буюк Низомий Ганжавий "Хамса"сининг биринчи достони "Махзанул асрор"дан илҳомланиб туркий тилда яратган "Гулшанул-асрор" достонида ҳам мавжудир. Ҳайдар Хоразмий Амир Темурнинг йигитлик даврига оид бу воқеани ибрат сифатида келтириб, ўқувчиларга ҳар киши ҳаётда қийинчилик ва машаққатларга учраши мумкин, аммо уларни сабот билан енгиб ўтиб, янада тобланиб чиқишга ҳаракат қилмоғи лозимлигини таъкидлайди.

Узоқ давом этган курашдан сўнг, ниҳоят, Мовароуннаҳр узил-кесил озод қилиниб, Амир Темур тахтга ўтирганида, у энди ўттиз беш ёшга қадам қўйган эди. Бу давр воқеаларини тасвирлашга киришар экан, Натанзийнинг баён услуби кўтаринки тус олади. Бир ярим аср давомида таназзулдан боши чиқмаган Туронда улкан ўзгаришлар юз бера бошлайди: "Андак фурсатда Самарқанд шу қадар гўзал ва обод бўлдики, олий жаннатга таъна қилиб, Ер юзининг беҳиштига айланди. Шаҳарнинг теварак-атрофида ҳам кўркам боғлар ва дилкаш иморатлар бунёд эттирди. Амир соҳибқирон ғурбат ва маҳрумлик йилларида Худойи таоло олдида қандай ахду паймон қилган бўлса, тўлатўкис ушбу тарз ва қоидалар асосида Худонинг халқи билан муомала қилишни ўзига касб қилди. Энг аввал, барча йўлларда ёмлар (махсус бекатлар) барпо этишни буюрди ва халқ ўтиб-кечадиган жойлардаги харобаларни тузатиб, обод қилдирди. Олий работлар ва хонақоҳлар қурдириб, фақиру мискинлар учун уларнинг эшикларини очиб қўйди. Имомлар, ислом уламолари, қозилар ва улуғ шайхларга бўлган ҳурмат-эътиборини шу даражага етказдики, мамлакатда илму фан беҳад равнақ топиб, талабаларнинг нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди. Натижада жуда кўп турли илмларни эгаллаган соҳибкамоллар, саноққа сиқмайдиган даражада кўп қалби дарё истеъдод эгалари унинг улуғвор хонадони саховати ҳадялари нуридан замона чеҳрасида зоҳир бўлдилар".

Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ, қисқа муддат ичида Мовароуннаҳрнинг обод этилиши ва маданият тараққиётининг жонланиши, муаррих бунга аниқ ишора қилиб ўтганидек, соҳибқирон кўп йиллар илгаридан бошлаб улкан бунёдкорлик тадбирларини орзу қилгани ва унинг режасини кўнглида пишитиб юрганини тасдиқлайди. Аммо тарқоқлик, тинимсиз ўзаро урушлар ва душманлар хуружлари анчагача бу эзгу ниятларни амалга оширишга имкон бермаган эди. Ниҳоят, Турон мустақиллиги тиклангач, гарчанд ҳали мўғуллар ҳужуми хавфи тўла барҳам топмаган бўлса-да, Амир Темур юртни обод ва элни фаровон қилиш ишларига кенг миқёсда киришган.

Ғулом КАРИМОВ

ТЕГИНА БИБИ

Тегина бибижон, Тегина биби...
Тарих китобида сиз нега жимсиз,
Бибижоним айтинг, сиз ўзи кимсиз?
Волида эрурсиз Соҳибқиронга,
Халоскор тўдингиз мазлум Туронга,
Бардош айладингиз фитна, тўфонга.
Тегина бибижон, Тегина биби,
Ҳусни малоҳатда биргина биби...

Қадим Бухорода бобонгиз изи,
Қурғони шарифдан айтар ҳар сўзи.
Садр аъш шариа Убайдуллоҳнинг
Кўзларига суртган ёғлиг бир қизи.
Тегина бибижон, Тегина биби,
Ҳусни малоҳатда биргина биби...

Бугун эрк шамоли кезар Туронда,
Қиз-ўғлон шайдодир илму урфонга,
Оқсарой юз очмиш жумла-жаҳонга.
Тегина бибижон, Тегина биби,
Ҳусни малоҳатда биргина биби...

Ўроллбой ҚОБИЛ,
Қамаши туманидаги 42-мактаб муаллими

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Уч ҳалқа, чамаси амир Темурнинг муҳри. ("Рости-расти") Нажот тўғриликдадир, ундаги ёзув. Бу ёзувни "Рости-русти" (Адолат тўғриликдадир) деб ҳам талқин қиладилар.

Султон Абдулазизхон — 1861-1876 йиллардаги Усмонли давлати ҳукмдори.

Насриддиншоҳ (Кожор) — 1848 йилда Эрон тахтига чиққан эди.

Амир Насруллохон — 1826-1860 йиллардаги Бухоро ҳукмдори.

Султон Маҳмуд Мужаддид — Усмонли салтанатини танзимот (ислоҳот)га тайёрлаган 2-Маҳмуд (1808-1839) кўзда тутилади.

Оталиқ Ғозий Яъқубхон — русларга қарши курашда мардлик кўрсатган, босқинидан сўнг Қошғарга кетиб, мустақил давлат ўрнатган машҳур Ёқуббек кўзда тутилмоқда.

Худоёрхон (1829-1879) — машҳур Қўқон хони.

Жабали Лубнон — тоғли Ливан. Вёрст — бир чақиримдан сал узунроқ, узунлик ўлчови бирлиги.

Икки инглиз элчиси — амир Насрулло 1842 йилда русларга қарши курашда замонавий ҳарбий техникадан фойдаланишни ўрганиш маслаҳати учун юборилган икки инглиз элчисини қатл этган эди.

Насеъ — кенг, катта.

Иқтизо — тақозо.

Тадобир — тадбирлар.

Шадида — шиддатли.

Шайх Жалолиддин — Жалолиддин Афғоний (1839-1897).

Мухосим — душман.

Мамолик — мамлакатлар.

МУҲОЛАМАИ САЛОТИН

(Султонлар суҳбати)

(Рости — расти)

На буюк ишлар, на буюк киши, на ажойиб бир замон ва на хароб бир макон! Дунё шундай эмиш.

Ичимдаги нурли туйғу билан фикримбошим айланиб турган вақтда бирдан кўрдимки, Саййид Бараканинг сандиқ тоши кўтарила бошлади.

Қўрқиб қоровул ҳужраси томон ўзимни отдим. Ва бир гўшага ўзимни олдим... Тош кўтарилмоқда, қордай оппоқ соқолли бир чол чиқиб келмоқда. Ва қабр ичи нурга ғарқ эди. Ё раб, бу на ҳол! Шиддат забтидан ичимда қўрқув асари қолмади. Дастлаб қоронғироқ эди. Кўриниб турган зиё менгача келмас эди. Чиқиб кетиш ёки қолиш ҳақида бирор фикр мияга келмас, турган жойимда музлаганча қотиб турар эдим.

Саййид Барака ҳазратлари ҳукмдор Темурнинг сандиқ тошига қўлини қўйиб, "Ўғлим!" дейиши билан бу тош ҳам кўтарилиб, қабрга шуъла ёйилди.

Соҳибқирон Темур ҳам чиқиб, ҳар бирлари ўз тошлари устида ўтирдилар. Темурбек пири юзига боқди. Хожа ҳам, "Ўғлум, яна замон келди", дея жавоб берди.

Бирор дақиқа сукут чўкди. Мақбара ичи чироқ ёққандек ёруғ эди. Мен турган ердан мақбара ичи мутлақо кўринмас эди. Қаердан ва қандай чиққанини кўрмай қолдим: ғоят улкан бир зот намоён бўлди. Ва сандиқ тошини айланиб, Темурнинг қаршисига келди.

Саййид Барака: — Султон Абдулазизхон!

Темурбек боши ила қабул қилди ва ўрин кўрсатди.

Шу пайт яна бири киши пайдо бўлди.

Хожа: — Насриддиншоҳ! — деди. Қабул этилиб, ўрин кўрсатилди. Яна бири кўринди.

Хожа: Амир Насруллохон! — деди.

Шу тариқа Исмоил пошшо, Оталиқ Ғози Яъқубхон, хўқандли Худоёрхон мақбарага кириб келдилар ва мақом ҳамда ўринларини олдилар...

Соҳибқирон Темурнинг боши қуйи, султонлар маъюс бир ҳолда, баъзиларининг кўзларида ёш кўринади. Йиғилиш тинч сукутда кечар эди. Мажлиси салотин, яъни подшоҳлар мажлиси бир-икки дақиқа тинч ва сукутда ўтгач, йиғилишга мадфун уламодан Шайх Жамолиддин ҳазратлари чиқиб, қўлидаги қора байроқли яшил ёзувли китобни очди...

Саййид Барака ҳазратлари: — Хутбайи синоқий! — деди. Шайх қироатга бошлади:

"XIX аср милодиясиндаки, XIV аср ҳижрия масодифдир, олами маданиятда ва олами сиёсияда инқилоб ва тағйир воқеъ ўлди. Парахўд, тилғироф, темир йўл ва иш учун жуда кўп турли-туман машиналар яратилди. Китобчилик, ўқимоқ ва маориф дунёда кўрилмаган даражада шуҳрат топди. Идоранинг мулк ва давлат низомлари тамом янги бўлиб, ҳукмдорларнинг идорани қайфиясига сад чекилуб, миллатнинг раъйи ва муродига кўра иш кўрила бошланди. Ҳунармандчилик ва саноат илғарилаб, саккиз-ўн минг ишчи ишлайдиган фабрикалар таъсис этилди. Ўқ ва қалқон унутилиб, бир вёрстдан одам ўлдирадиган милтиқ, тўрт-беш вёрстдан тош-метин қўрғонларни парча-парча қиладиган тўплар майдонга чиқди. Лекин бу инқилоб, бу янгиланиш биргина овропалик қавмларга хос бўлиб қолди. Шарқия ва исломия мамлакатлари эски ҳолда қолавердилар. Фикр эски, қурол эски, идора усули эски, саноат ва савдо усули эски, аскар низоми эски, қўрғонқалъалар эски. Денгизда кемалар эски. Хулласи, нимаики бор, ҳаммаси эски. Бари кўҳна... Буни пайқаган Оврўпо қавмлари ва хусусан рус қавми дунёга қўл узатиб бамисли селдек, денгиз долгаларидек ислом мамлакатларини босмоққа, чегараларни емирмоққа киришди. Саноат ва матоҳлари билан бизни синдирди. Баракат кетди. Низомли аскари билан бизнинг тартибсиз аскарларимизни парчалаб ташлади. Қувват кетди..."

Хутба ва нуқтага келганида Салтанат соҳиби Темур қўлини кўтарди, хатиб тўхтади. Абдулазизхонга қайрилиб:

— Салотини Рум бу ҳолларга қарши қандай тадоирларга бўлди? — деди.

Сукут.

— Оврўполиларни илман, молан ва сиёсатан кучли ва иқтидорли қилган нарсаларга сиз ҳам мурожаат этдингизми?

Сукут.

— Вақтида салотини Усмония ҳимоясини орзу этган Оврўпо ҳукмдорлари тараққиёт ва иқтидор йўлида курашган пайтларида Истанбул нима билан машғул бўлди?

Сукут.

— Сенинг салтанатинг замонида аҳвол қандай эди? Ва сен нима ишлар қилдинг?

— Мунтазам аскар ва флот етиштирдим.

— Булар билан нима ишлар қилинди? Сукут.

— Қўлдан кетган ерлар борми?

— Белград қалъаси... Сербия, Румония... Жабали Лубнонда имтиёзли идора қурилди.

...Жаҳонгир Темур Насриддиншоҳга қаради. Бир сўз демади. Яна Хатибга кўз ташлади. Хатиб давом этди:

"Бу асрда рус ҳукмдорлари бир тарафдан Истанбулга кўз олайтирган бўлсалар, иккинчи тарафдан Туркистон ва Мовароуннаҳр томон жиддий ҳаракат бошладилар. Туркистон хонлари ва умароси шу даражада ғофил ва бехабар эдиларки, рус тўплари бошлари устида портлагандан сўнггина "Бу нима?" — дедилар. Лекин гишт қолипдан кўчган эди. Рус қўшини босқичма-босқич саҳроларни босиб ўтиб, қалъаларни қўлга кирита бошлаган пайтда хонлари бир-бирлари билан жанжаллашиб ётар, дарё-дарё мусулмон қони оқаётган эди. Қора қушлар келиб Тошканд, Самарқанд минораларига қўнганида, уларни учириб юбормоққа ярайдиган на бирор тўп, на бирор милтиқ топилмади. Ҳозирда бир начальник тўра кичкина бир чимчилоғи билан бутун Туркистонни урчуқдек айлантира олади. Русларнинг мухосими бўлган инглизлар хонларга ёрдам ва қурол ва муаллими аскарий вермак истадилар эди, қабул этадиган бир киши топилмади. Ҳатто Насруллохон Бухорий икки инглиз элчисини қатл этиб, замонанинг энг кучли, энг бой давлатининг ҳафсаласини пир қилди..."

Амир Темур Амир Насруллога боқди. Амир Насруллохон Темурнинг ўткир нигоҳидан қочишга жой топа олмай... "Тақсир... Бухоройи шарифа фарангидин — насородин киши қабули маъқул кўрилмади", — деди.

— Ё ўғул, келганлар инглиз элчилари эди. Бунлар санга насронийят таклифи ила дагил, маърифат, силоҳ ва маориф таклифи ила келмишлар эди... Элчига ўлим бўлмас мақолини билмаюрми эдинг?

— Тақсир... Кўп хатолиғлар қилдиғим, маълум ўлди. Аммо вафотимдан сўнгра маълум ўлди... Умародан, сипоҳидан ва уламодан кўзимни очган бўлмади...

— Ва демак? Атроф — акнофа "йўқламачи", "кўрувчи" юборилмасмиди? Бошқа ўлкаларда, бошқа давлатларда на ҳол, на ҳаракат ўлдиғиндан хабар олинмаюрми эди?

— Йўқ, тақсир... Баъзан Ҳижозга бориб келувчи ҳожилар бўларди...

...Соҳибқирон Темур Шайх Жалолиддинга савол назари билан боқди.

Шайх Жалолиддин ҳазратлари ҳутбасини давом эдарак ўқуди:

"Буюклари ва кичикларинда бир хейли такосил ва афкорсизлиқ ва бохусус ғафлати сиёсий кўрингани тарих саҳифаларда дарж этилгандир. Агар замони ҳозирадан кечмишга бир кўз ташланса, бир неча хатолар кўринадир.

Мўсқва кинази Иван Ғрўзний Қозон хонлигига ҳужум этиб, муҳосара қилган бир пайтда Қрим хони унга имдод бермасдан, аксинча Курск ва Тула тарафга бир гуруҳ қўшинини юборса, Ғрўзний ҳам Қозонга, ҳам Қримга қарши уруша олмас эди. Ҳолбуки Иван Ғрўзний бу ҳолни билгани учун Қозонга қўшин тортишдан илгарироқ уларнинг ораларини бузиб, бир-бирларига ўлим тилайдиган даражага етказиб қўйган эди.

Хонларнинг ғафлати сиёсияларининг натижаси ўлароқ Қозон истило этилиб ер билан яксон қилинди. Жомеъ ва мадрасалари ёндирилди. Мирзолар, беклар қиличдан ўтказилди. Тирик қолганлари мол-мулкини тарк айлаб, болта кирмас ўрмонларга қочиб жон сақлади. Икки аср сўнг Крим хонлиги ҳам забт этилиб, жазойи тарихиясини кўрди. Буларнинг ғафлатлари афу ўлинур шай (нарса)лардан ўлмадиғи ҳолда Истанбулнинг уйқусина маъно вермак учун на мезон топиб бўлади, на ақл! Иван Ғрўзний Қозон хонлигини босиб топтаётганида Истанбулда шу қадар буюк қудрат ва сиёсий нуфуз бор эдики, оддий бармоғининг бир ишораси билан Ғрўзнийнинг танобини тортиб қўя олар эди!

Турк давлатининг энг чет ва энг муҳим қалъаси Қозоннинг қўлдан кетишида ёрдам берилмаганлиги Рус қўшинларининг Истанбулдан Самарқандгача бўлган йўлларини очиқ қолдирди, Қозон Туркистон ва Рус диёрининг қоровул қалъаси эди. Афсуски, қадри ва қиммати билинмади...

Сўз бу маҳала келдикда хожаси Саййид Барака ҳазратлари:

— Етар ўғлум, — деди.

Жаҳонгир Темур аёга қалқуб, бир "Воҳ!" чекди. Бутун мажлис довдираб оёқланди ва мен ҳам қўрқувдан тез қабрдан ташқарига отилдим... Тинчлик, сукунат. Оқшомдан анча ўтган. Самарқанднинг кўм-кўк осмонидан мингларча юлдузлар порлар эдилар. Меҳмонхонага қайтдим, ухлай олмадим. Эрталаб яна мақбара зиёратига бордим. Тошлар теграсида тинчлик, сукунат давом этарди.

САЙЁҲ

"Таржимон" газетаси 1906 йил 22 декабрь — 1907 йил 22 январь сонлари

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИДАН

Амир Темур ҳақида дунёнинг турли мамлакатларида хилма-хил тилларда юзлаб асарлар ёзилган. Бу ном олти асрдан ошибдики, сиёсат оламида куч ва қудрат тимсоли сифатида яшаб келади. Тарих ва адабиёт қудратли бу кучнинг аксарият ҳолларда адолатга, ҳақиқатга таянганлигини далиллайдилар.

Мазкур ҳикоя "Таржимон" газетасининг 1906 йил декабрь, 1907 йил январь сонларида "Сайёҳ" имзоси билан босилган. "Сайёҳ" газета муҳаррири Исмоилбек бўлиши керак. Унинг 1906 йилда Туркистонда сафарда бўлгани маълум. Иккинчидан, у Туркистонга туркий халқларнинг олтин бешиги деб қарар эди. Бу халқларнинг ўз замонида жаҳон тарихида ўйнаган буюк роли, жаҳон цивилизациясида тутган фавқулодда мавқеи билан иftихор этар ва буларнинг барчасини қадим Туркистон билан боғлашни хуш кўрар эди. Унинг бадиий асарларидаги бош қаҳрамон Мулла Аббос Франсавийнинг асли тошкентлик ("Тошкандий") қилиб олиниши бежиз эмас эди. Ниҳоят, ҳикоянинг чор ҳукумати қаттиққўллик билан юргизиб келган буюк давлатчилик сиёсатини четлаб ўтиб нашр қилиниши муҳаррирнинг жасорати ва тадбиркорлигига далилдир.

Ҳикоянинг тилига деярли даҳл қилинмади (Бироқ қисқартириш билан берилмоқда).

Бек МУҲАММАД МУРОД

Мактаб ўқитувчилари ва талабалари китобчани ўқиётганда шуни эътиборга олсалар яхши бўлур эди.

НИЯТ ЯХШИ, АММО...

Филология фанлари доктори, профессор Ҳакимжон Каримовнинг "Ўткир Ҳошимов адабий портрети" китоби элимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси ижодига бағишланган тўнғич рисолалардан. Бундан аввалроқ Абдуғафур Расуловнинг "Ардоқли адиб" китоби нашр этилган ва яхши баҳо олган эди. Ҳ.Каримов рисоласи "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган бўлиб, адабиёт ўқитувчилари ва олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари учун қўлланма сифатида тақдим этилган. Китобнинг "Инсоний изтироблар-нинг бадиий талқини" деб номланган биринчи бобида адиб ҳикоялари устида гап боради. Мунаққид "Янга", "Тасодиф", "Уч хил одам", "Урушнинг сўнгги қурбони", "Муҳаббат", "Ўзбеклар", "Деҳқоннинг бир куни" сингари турли йилларда ёзилган ҳикояларни таҳлил этади ва уларни бирлаштириб турган муҳим омил — инсон қисмати, унинг қувонч ва изтироблари қай даражада тасвирланганини кўрсатишга уринади. Чиндан ҳам бу ва бошқа ҳикоялар мавзуси ва тасвир объекти турлича бўлса-да, уларда одамлар орасидаги мураккаб муносабатлар — мардлик ва номардлик, муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат сингари умумбашарий тушунчалар ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам бу ҳикоялар йиллар ўтиши билан қимматини йўқотмаган. Мунаққид буни тўғри талқин қилади.

"Тўйғулар ҳақиқати ва маънавият олами" деб номланган иккинчи бобда ёзувчининг қиссалари таҳлил этилади. Танқидчи "Чўл ҳавоси", "Қалбингга қулоқ сол", "Баҳор қайтмайди", "Дунёнинг ишлари" қиссаларининг жозиба сирини, уларда тасвирланган инсонлар китобхонда қандай таассуротлар қолдиришини, муаллиф бу образларнинг ҳар бирига ўзига хос маънавий юк ортганини, муҳими, бу қиссаларнинг кўпида халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, одамларнинг мураккаб олами кенг ва теран ёритилганини ўрганишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга ёзувчининг дастлабки йирик асарларидан бири — "Шамол эсаверади" қиссасида муаллифнинг ижодий тажрибаси етишмагани кўриниб қолгани, баъзи ўринларда асар қаҳрамонлари Мансур ва Гавҳарнинг ҳаракатлари китобхонни ишонтирмаслигини тўғри танқид қилади. "Баҳор қайтмайди", "Дунёнинг ишлари" сингари қиссалар эса адабиётимиз хазинасини бойитувчи асарлар бўлиб қолганини таъкидлайди.

"Давр ва инсоннинг бадиий талқини" бобида Ҳ.Каримов Ў.Ҳошимовнинг "Нур борки, соя бор", "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар" романлари ҳақида мулоҳаза юритади.

"Нур борки, соя бор"даги Сайфи Соқиевич, Сирожиддин сингари персонажларнинг маънавий олами торлиги фақат ўзлари эмас, бошқаларнинг ҳам қисматини чигаллаштириб юборганини, Шерзод ва Зуҳраларнинг жозибаси нимада эканини очиб беришга ҳаракат қилади. "Тушда кечган умрлар" романидаги даҳшатли манзаралар бекорга киритилмагани, бегуноҳ ва софдил йигит Рустамни мажруҳ қилган шўро жамиятининг қонхўрлиги, Шаҳнозанинг изтироблари, Комиссарнинг жирканч ва даҳшатли "фаолияти" китобхонни қандай ларзага солишини муаллиф ўзича кузатган ва адиб ютуғининг омилларини тўғри кўрсатиб берган.

"Икки эшик ораси" романи Ў.Ҳошимов ижодида алоҳида ўрин тутади. Мунаққид бу асар устида батафсил тўхталади. Романдаги ўнлаб бир-бирига ўхшамайдиган образларнинг ҳар бири алоҳида олам эканини, Ориф оқсоқол, Ҳусан дума, Комил табиб, Қора амма, Робия, Башор хола, Фотима, Зуҳра, Раъно — хуллас ҳаммаси теран тасвирлангани, роман ўзининг кўп қирралилиги, полифоник тасвири билан адабиётда жиддий воқеа бўлганини эслатади. Асар катта даврни қамраб олгани, унинг замирида жиддий ижтимоий-фалсафий маъно ётишини асослайди.

Шу билан бирга қўлланмада баён қилинган қатор бир ёқлама, юзаки ва чалкаш мулоҳазалар борки, улар ҳақида муносабат билдирмаслик адолатсизлик бўлар эди. Ҳ.Каримов адиб ижодида ҳам, XX аср ўзбек романчилигида ҳам муҳим ўрин олган "Икки эшик ораси" романининг ўзак нуқталаридан бирини "мантиқсизлик"да айблайди. Унинг фикрича, мактабда ўқиётган Мунаввар Музаффарни эмас, Шерзодни севиб қолса "мантиқли" бўлар эди. Сабаби, Шерзод Музаффардан кўра яхшироқ ўқийди, медалга даъвогар ва ҳоказо... Қизиқ, асар қаҳрамони кимни кўпроқ севишни бировдан сўраб ўтирмаса керак. Буниси ҳам майли. Мунаққид Башорат нима учун қишлоқдан шаҳарга кўчиб кетади, нега Мунавварга Музаффарни эмизганини айтмайди, шуни аввалроқ айтса-ку, икки ёш бундай фожеага йўлиқмасди, қабилидаги мулоҳазани олға суради ва бу ўринда мантиқ бузилган, адиб буни атайлаб қилган, дейди. Бир қарашда даъво тўғридек туюлади. Аслида икки ёш бир онани эмган бўлса нима қипти, шунга ҳам ота гўри — қозихонами, деган талабни ҳам бемалол қўявериш мумкин. Бироқ гап шундаки, Ў.Ҳошимов ижодининг бош йўналишларидан бири — поклик ва нопоклик ўртасидаги курашни тасвирлашдан иборат. Бунинг сабаби — ҳалол билан ҳаромни фарқлаш халқимиз маънавиятининг ўзак тушунчаларидан бири. Ёзувчи буни теран тасвирлайди. "Баҳор қайтмайди"да ҳам, "Дунёнинг ишлари", "Нур борки, соя бор"-да ҳам, "Тушда кечган умрлар", "Инсон садоқати"да ҳам шу кураш қизил ип бўлиб ўтади. Бинобарин, "Икки эшик ораси"да Раъно ва Умар закунчининг нопоклиги бегуноҳ ёшларни қандай фожеага олиб келганлиги чуқур тасвирланган. Раънонинг хиёнатини билиб, чақалоқ болани кўтарганча изиллаб юрган Шомуроднинг изтироблари нақадар таъсирли! Шу бобда Ориф оқсоқол чақалоқ Музаффарни Башорат қўлига топширраркан, қаттиқ тайинлайди. — Гап шу! — деди Оқсоқол кескинлик билан. — Бугундан бошлаб шу икки нораста ака-сингил бўлди. Лекин зинҳор—базинҳор оғзингдан гуллаб юрма! Сен ҳам, — Оқсоқол Поччага тайинлади. — Бегуноҳ гўдакни маломатга қолдирсаларинг хапа бўламан! "... Билмадим, қишлоқ жойда гап ётмайди. Эҳтимол, Башорат Музаффарни кўкракдан ажратгунча эмизганини унча-мунча одам эшитса эшитгандир. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон бу сирни ошкор қилганини эшитмадим.." ("Икки эшик ораси". 565-бет, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000 йил). Шомурод ака ҳикоясида келтирилган Оқсоқолнинг мазкур ўгити, орадан йиллар ўтиб ҳам на Шомурод, на Почча ва Башорат, на бошқалар бу сирни очмаганлигида Ҳ.Каримов изланётганидан кўра анча теранроқ мантиқ, қолаверса, соф ўзбекона андиша, жўмардлик, инсонийлик бор. Бу — биринчидан. Иккинчидан, агар Музаффар ва Мунаввар қисмати Ҳ.Каримов айтганидек "мантиқсиз" бўлса, асар китобхонни бунчалик ларзага солиши мумкин эмас эди. Учрашувларда Мунаввар ва Музаффарнинг аччиқ қисматига бағишлаб ўзлари ёзган шеърни ўқиб берган талабаларни кўп кузатганмиз. Роман етти марта нашр этилгани, умумий тиражи уч юз мингдан ошиб кетгани ҳам анча нарсани англатади. Учинчидан, роман ҳақида катта-катта мақолалар ёзган О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, И.Ғафуров, А.Расулов, М.Шарафиддинова сингари олимлар Ҳ.Каримов "топган" "хато"ни қандай қилиб "кўрмай қолишди" экан?

Ҳазрат Толстой айтганидек, ҳамма ёзувчилар ҳам ёлғон ёзади. Бироқ, уларга ўқувчини қай тарзда ишонтиришига қараб баҳо берадилар. "Икки эшик ораси" романи эса ўқувчини ишонтирибгина қолмай уни асар қаҳрамонларига ошно қилиб қўяди. Бинобарин, Ҳ.Каримовнинг Мунаввар ва Музаффар тақдири тасвирида мантиқ йўқ, деган гапининг ўзида мантиқ йўқ.

Рисоланинг "Хулоса"сини ўқиб, таажжубда қоласиз. Бор-йўғи икки саҳифали бу қисмда муаллиф китобдаги таҳлил ва мулоҳазалардан хулоса чиқариш ўрнига "адабиёт атомдан кучли" эканини, бадиий ижодда "шартийлик" муаммоси, "Сабъаи сайёр" достони персонажлари ибрати, Эжен Потьенинг "Байналмилал" асари билан машҳур экани ва "адабиётдан муносиб ўрин олгани", тарихда қолгани хусусида "фалсафий" мулоҳазалар юритади. Бу хил мулоҳазалар талаба ёки адабиёт ўқитувчисига қандай янгилик, маънавий озиқ беришини билмайман. Бироқ филолог олимнинг ҳужумкор, даҳриёна коммунистик даъватлари билан миллионларни чалғитган "Байналмилал" шеърига бугунги кунда ҳамду санолар ўқиб, юксак эҳтиром билдириши кишини таажжубга солади.

Бугина эмас. Шу мухтасар "Хулоса"да муаллиф Ўткир Ҳошимовнинг публицистикаси ва ҳажвий асарларини "баҳолаш"га, жумладан "Тўйлар муборак" комедиясини "қаҳрамонларча" танқид қилиб, "авра-астарини" очиб ташлашга улгуради.

Рисола муаллифининг "Тўйлар муборак" комедияси ҳақидаги танқидий мулоҳазалари ўта жўн ва баҳсли. Танқидчи Мўминжоннинг сув омбори лойиҳасига "Мадина" деб ёзиб қўйишига ишонгиси келмайди. Неъматилла билан Латифжоннинг Мўминжон қисматига аралашувини нотўғри, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича севги — соф шахсий нарса, унга биров аралашмаслиги керак. Латифжоннинг Мадина номидан телефон қилиши ҳам мунаққидга мантиқсиз кўринади. Комедиянинг тўртинчи кўринишини эса тўлалигича "абсурд" деб баҳолайди.

"Тўйлар муборак" томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган комедиялардан бири. Оғаҳий номидаги Хоразм театрининг ўзида бу комедия минг мартадан ортиқ ўйналгани бежиз эмас. Асар "Ёш гвардия" (ҳозирги Аброр Ҳидоятов театри) театрида, сўнг Муқимий номли театрда (мусиқий варианти) кўп йиллар ўйналди. Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон театрларида саҳналаштирилди. Асар "абсурд"-лигини нега шунча йиллардан бери ҳеч ким пайқамади экан?

Тўғри, комедиянинг тўртинчи саҳнаси бошдан-оёқ "ёлғон"га қурилган. Бу "ёлғон"-ни Латифжон билан Неъматилла ўйлаб топади ва Кимё холанинг "адабини бериш" учун атайлаб шундай қилишади. Буни муаллиф ҳам, асар қаҳрамонлари — Мўминжоннинг дўстлари ҳам, борингки томошабин ҳам яхши билади. Ундай бўлса, томошабин Ҳ.Каримов "абсурд" деб баҳолаган бу манзарани кўриб нега залдан чиқиб кетмайди? Нега аксинча, мазза қилиб кулади? Нега Латифжон билан Неъматиллага хайрихоҳлик билдиради ва асар охирида уларни олқишлайди. Ахир бу — танқидчи даъвосига кўра "абсурд"ку!

Ҳамма гап шундаки, "Тўйлар муборак" — комедия, ҳажвий асар. Ҳажвнинг эса ўз қонун-қоидалари бўлади. Ҳажвда хоҳласа, балиқ дарахтга чиқиб кетиши, тимсоҳ осмонда учиб юриши мумкин. Томошабин (китобхон) бунга ишонади. Ҳ.Каримов эса, ёзувчидан "абсурд эмас" нарсани талаб қиляпти. Яъни, қуёш шарқдан чиқиб, ғарбга ботади, саратон пайтида кун иссиқ бўлади, қабилидаги "абсолют ҳақиқат"ни истаяпти. Бундай талаб эса шўро замонида удум бўлган "реалистик тасвир" талабини эслатади, аслида бунақа талаб ижод учун ёт нарса!

Тағин бир гап. Ҳ.Каримов китобининг 102-бетида бундай дейилган: "Опанинг ташқи портрети, тутган иши, гапириш манераси "Ишдаги ишқ" киносидаги директорнинг айнан нусхаси бўлиб қолганлиги кўпчилик томоша қиладиган асарга унча ўтиришмайди..." Мулойим қилиб айтилган бу гапда анчайин жиддий "айбнома" яшириниб ётибди. "Тўйлар муборак" китобида асар қатнашчилари рўйхатида бундай ёзилган: "Опа — институт директори". Муаллиф бу персонаж қиёфасини ҳам, ёшини ҳам, ҳатто исмини ҳам айтмайди. Нега шундай? Гап шундаки, Опа ролини бир театрда ёшроқ, бирида кексароқ, бирида озғинроқ, бирида семизроқ актриса ўйнаши мумкин. Аслида ҳам шунақа. Шундай экан Опанинг "ташқи портрети" қандай қилиб "Ишдаги ишқ" киносидаги директорнинг айнан нусхаси бўлиб қолсин? Драматург бу персонажнинг исми-шарифини ҳам айтмай, шунчаки Опа деб қўя қолганида ҳам маъно бор. Ўз мансаби учун шахсий бахтидан воз кечган аёллар ҳамма вақт бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Уларнинг эркакшода феъли кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетади. Бироқ "Ишдаги ишқ" билан "Тўйлар муборак"даги директорлар ташийдиган "юк" ҳам, уларнинг қисмати ҳам асло бир-бирига ўхшамайди. "Тўйлар муборак" комедияси 1976 йили ёзилган. 1978 йили биринчи марта Қўқондаги Ҳамза номли драма театрида саҳналаштирилган. У пайтда "Ишдаги ишқ" кинокомедияси экранга чиқмаган эди! Бундан чиқди ўша фильм муаллифлари "ўз" директорини Ў.Ҳошимовдан кўчириб олган, десак тўғри бўладими?

Албатта, мунаққид "мантиқсиз" дегани билан китобхон "Икки эшик ораси" романини ўқимай ёки мунаққид "абсурд" дегани билан томошабин "Тўйлар муборак" спектаклига тушмай қўймайди. Бироқ, олим ўз шахсий мулоҳазаларини илмий ҳақиқат тарзида "қўлланма" орқали талаба ва адабиёт муаллимларига тақдим этиши тўғри эмас.

Табиийки, ҳар бир асар ҳақида ҳар ким муносабат билдиришга ҳақли. Башарти Ҳ.Каримов мулоҳазалари бирон туман газетасида босилган бўлса, "ҳа, энди мунаққид шахсий фикрини айтибди-да", деб қўя қолиш мумкин эди. Ҳ.Каримовнинг рисоласи эса — китоб. Устига-устак адабиёт ўқитувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма сифатида тавсия этиляпти.

Ҳамма жойда қабул қилинган қоидага биноан қўлланма ўша соҳанинг мутахассислари томонидан тақриз қилинади. Шу соҳанинг мутасаддиси бўлмиш вазирлик ёки илмий кенгашда муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этиш ҳақида қарор чиқарилади ва китобга "фалон кенгаш қарорига биноан нашрга тавсия этилди", деб ёзиб қўйилади. Бундан мақсад нашрни қандайдир алоҳида назорат остига олиш эмас, турли нотўғри ва пала-партиш фикрларга йўл қўймасликдир. Афсуски, Ҳ.Каримовнинг аслида яхши ниятда ёзилган китобчаси ҳеч ким томонидан тақриз ҳам, муҳокама ҳам, тавсия ҳам қилинмаган. Унда юқорида айтилганидек, бирёқлама ва саёз, янглиш хулосалар мавжуд. Мактаб ўқитувчилари ва талабалари китобчани ўқиётганда шуни эътиборга олсалар яхши бўлур эди.

Умарали НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

НОАНЪАНАВИЙ ДАРС

Коллежимизда она тили ва адабиёт фанини ўқитишда ноанъанавий дарс шакллари устида иш олиб борилмоқда. Асосий мақсад — ўқувчиларга чуқур билим бериш, дарсга қизиқиш уйғотиш, эркин фикрлашга ўргатишдир.

Ўтиладиган дарс ўқувчиларга уй вазифа қилиб берилади. Улар мавзуни ўқиб, конспектлаштириб келадилар. Масъулликни ошириш ва мустақил ишлашни кучайтириш мақсадида синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлинади. Сардорларни уларнинг ўзлари сайлайдилар. Қайси гуруҳ бошлаб бериши эса абжад ҳисоби орқали аниқланади. Маълумки, мазкур ҳисобдаги ҳар бир ҳарфнинг сон қиймати мавжуд. Жадвал тайёрлаб илинади. Рақамлар орқали ўқувчилар ўз гуруҳларининг номини аниқлайдилар. Қайси гуруҳ рақамларни биринчи бўлиб ўқий олса, рақиб жамоага савол беради. Бу эса бир-икки дақиқа ичида амалга оширилади.

Гуруҳлар уйга берилган вазифа, ўтилган мавзулар юзасидан саволжавоб қиладилар. Бу савол-жавоблар ўқитувчи томонидан кузатилиб, баҳолаб борилади. Сўнгра ҳар иккала гуруҳ ўқувчиларига грамматик топишмоқ ёзилган карточкалар тарқатилади.

Лингафон орқали матн ўқилади. Ўқувчилар уни диққат билан тинглаб, қўшма сўзларни дафтарларига ёзиб борадилар ва қайси сўз туркумидан тузилганлигини топадилар.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беришларини ва бунда битта вергул билан гап мазмуни ўзгариб кетишини тушунтириш учун бир неча гапни доскага ёзади.

Ўқувчилар янги мавзуни қай даражада ўзлаштирганликлари аниқланиб, мавзуга қўшимча ойдинликлар киритилади. Газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалардан имловий ва услубий хатоларини топиб келишлари уйга вазифа қилиб берилади. Ўқувчилар бу билан газета ва журналларни ҳам ўқиб боришади.

Дарс ниҳоясида ғолиб гуруҳлар аниқланиб, тўпланган баллар эълон қилинади.

Раъно ОДИЛОВА,
Самарқанд тиббиёт касб-ҳунар коллежи олий тоифали ўқитувчиси

АГАР ҲАЁТ ГУЛЗОР БЎЛСА...

Эрталабки пайт. Пенсиядаги Меккам опа билан умр йўлдоши Норбой ака томорқадаги пиёз ҳосилини йиғишаяпти. Бундай ишлар: ўтоқми ёки сабзи, помидор экишми, нима бўлишидан қатъи назар, улар учун шунчаки эрмак. Аслида шу зайл кексалик гаштини суриб одатдагидек суҳбатлашиб ўтиришади.

Меккам опа келини дамлаб бир чеккага қўйиб кетган чойдан бир пиёла ичган ҳам эдики, мактаб тарафдан ўқувчиларни дарсга чорлаб, қўнғироқ овози жаранглади. Меккам опа беихтиёр тараддудланиб қолди. Сўнг нимадир эсига тушдими, мийиғида кулганча:

— Биласизми отаси, ҳар сафар мактабда қўнғироқ чалинса, мен беихтиёр ишларимни тезлаштираман, — деди эрига.

— Мен ҳам шунақаман-да. Бу қўнғироқлар ҳаётимизнинг мазмунига айланиб улгурди чоғи, — жавоб қилди Норбой ака. — 35 йилдан кўпроқ вақт сен билан бирга қўнғироқ чалинса мактабга, ундан эса уйга ошиқиб яшадик. Сенинг ҳам шошишинг шундан-да, онаси.

Уларнинг уйлари шундоқ мактабнинг рўпарасида. Қўли очиқ, қалби кенг Меккам опанинг тузини татимаган, марҳаматидан баҳраманд бўлмаган киши мактаб жамоасида топилмаса керак. Меккам опа билан Норбой ака заҳирадаги ўқитувчи вазифасини ҳам бажариб келишади. Мактабда бирор ўқитувчи дарсга келмай қолса, раҳбарлар тезда уларни чақириб, ўрнига дарс ўтиб туришларини илтимос қилади.

Меккам опа педагогик фаолиятини 1963 йили етакчиликдан бошлади. 1969 йили Қарши Давлат педагогика институтининг тарих факультетини сиртдан тамомлади. У суст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан қандай иш олиб боришни яхши биларди. Устознинг собиқ ўқувчилари бугун жамиятимизнинг барча жабҳаларида ишлаб келмоқдалар.

Аёл бир қўли билан дунёни тебратса, бир қўли билан бешикни тебратади. Меккам опа 8 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Ҳаммасини ўқитди, ҳунарли, касбли қилди.

— Устоз, ҳаётингиздан, касбингиздан, оилангиздан мамнунмисиз? Ўзингизни бахтли аёл деб ҳисоблай оласизми? — деб кетма-кет саволга тутаман у кишини.

— Ҳа, ҳаммаларидан хурсандман. Худога шукрки, бахтли аёлман, — дейди опа самимий бир табассум билан.

— Ўқитувчи қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Қийинчиликлардан қочмасин, яшаш — бу кураш дегани. Болаларга нисбатан ниҳоятда самимий бўлсинким, улар ноҳақликни кўтармайдилар. Меҳрини аямасинким, улар меҳрни унутмайдилар.

Ҳа, азиз устоз Меккам опа Қаршиеванинг бу сўзлари замирида бир уммон маъно бор. Чунки бу сўзларни айтиш учун, неча йиллик машаққатли йўллар босиб ўтилган.

Момосултон ЭШМЎМИНОВА,
ўқитувчи

ҲАДИСНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Буюк муҳаддис ватандошимиз имом Исмоил-ал-Бухорийнинг "Жомеъ ас-саҳийҳ", "Ал-Адаб-ал-Муфрад" китобларидан қай бирини ўқисак, одоб-ахлоқ тўғрисидаги дуру жавоҳирларга дуч келамиз. Ҳадислар инсонга шундай таъсир этадики, кишиларни ҳалоллик ва таълим-тарбия сари етаклайди.

Ўқувчилик даврида қизиқ, шу билан биргаликда ибрат бўларли бир воқеа содир бўлган эди.

Бир бола эрталаб туриб шўхлик қилиш хаёллари оғушида мактабга йўл олди. Биринчи дарс "Адабиёт". Ўқитувчи бу боладан ўтган дарсни сўраганда, у ёлғон гапириб, ўтган дарсда келмаганини айтиб осонгина қутулиб олди. Ўқитувчи бошқалардан ўтган дарсни сўраб, янги дарсни бошлади. Бу галги мавзу ал-Бухорий эди. Ўқитувчи бу алломанинг ҳадисларидан гапирар экан, уларнинг бирида шундай деди: "Биз бир-биримизга сўкиниб, ёлғон гапирсак, қиёмат куни тилимиз оғзимиздан осилиб, тушиб кетаверар экан". Бу ҳадисни эшитган ҳалиги бола тўсатдан йиғлаб юборди.

— Ҳа, нима бўлди сенга, — деди ўқитувчи.

— Энди ҳеч қачон сўкиниб, ёлғон гапирмайман, — жавоб қайтарди бола.

Шунда ўқитувчи боланинг йиғлаётганини кўриб, ачинди шекилли: — Бўлди, йиғлама, сен устозларингга, тенгдошларингга яхши муомалада бўлиб, уларга кўпроқ яхшилик қилсанг, қилган барча гуноҳларингни Оллоҳ кечиради, — деб боланинг кўнглини юмшатишга ҳаракат қилди. Бола бу сўзларни эшитиб хотиржам бўлса-да, ҳамон юраги йиғларди. Орадан ойлар ўтди. Унинг нафақат ахлоқ-одоби, тарбияси, шу билан бирга билими "3"дан "4", "5"га кўтарилиб, мактабнинг иқтидорли ўқувчилари сафига қўшилди.

Ҳозирги кунларда айрим тенгдошларимни йўл-йўлакай учратиб қоламан. Ўзлари ўқимишлига ўхшайдилару, лекин уларнинг қилган ҳаракатларини кўриб, гапларини эшитган кишининг энсаси қотади.

Албатта, буни ёшларимизнинг ҳадис ва шунга ўхшаш китобларни кам ўқиганлигида деб биламан. Таълим муассасаларида ҳадисшуносликка оид тўгараклар ўтказилса, ёшларимизнинг хулқи бирмунча яхшиланарди.

Умар АСРОРОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 1-босқич талабаси

Fikr

«Ma'rifat»ga maktublar



МИННАТДОРЧИЛИК

Мен ёш авлодга 44 йилдан бери тарих ва ҳуқуқ фанларидан дарс бераман. Президентимиз И.Каримов 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилганларини эшитиб, қувониб кетдим. Давлатимиз мустақил бўлганига 10 йил тўлди. 10 йил ичида кўп янгиликлар яратилди. Қарияларни қадрлаш йили эса бу янгиликлар сафига яна бир ажойиб янгилик бўлиб қўшилди.

Қарияларга иззат-ҳурматнинг янада ортиши, уларга тиббий хизмат яхшиланиши, қариялар нафақасининг оширилиши, кексаларни ҳурмат қилиш, уларга беғараз ёрдам бериш каби ишлардан қалбимда ҳукуматимизга нисбатан миннатдорчилик туйғулари жўш урди. Қарияларга шундай яхши шароит яратиб берганликлари учун Президентимизга, ҳукуматимиз аъзоларига миннатдорчилик билдираман.

Ҳусанбой БОБОЖОНОВ,
Наманган туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси

(Voqeiy hikoya)

ҲАҚИҚАТДИР, ҲАҚИҚАТ АЧЧИҚ

Тошкент—Термиз поезди аста жўнади. Икки қиз шошганча бизнинг купемизга кириб келди.

Купеда тўрт киши бўлганимиздан хурсанд бўлиб, бир пасдан сўнг қизларни чойга таклиф қилдик. Улар бир дугонасининг никоҳ тўйига кетишаётган экан. Узоққа боришнинг ўзи бўлмайди. Зерикмаслик учун ҳар хил мавзуларда суҳбатлашардик. Гурунг қизиди. Ҳамроҳим Пўлатжон рўпарасида ўтирган қиздан гап сўради:

— Сиз ўзи қаерликсиз?

— Самарқандликман. Ўзбекистон Миллий университетида ўқийман. Исмим Азиза, — жавоб берди қиз талабаларга хос шаддодлик билан.

— Қайси тумандансиз?— сўровда давом этди ҳамроҳим.

— Боғишамолдан.

— Қайси кўчасидан?

— Амир Темур.

— Унда Дилором Аъзамова деган аёлни танирсиз?

Азизанинг юзлари жиддийлашди. Сўровчига термулганча: онам бўлади, дея жавоб қилди.

Бу гапдан ҳамроҳим Пўлатжон ҳам тараддудланиб қолди. Ва Азизани яна гапга тутди.

— Отангиз борми?

— Бору, у биз билан турмайди. Онамнинг айтишича, ўқишни битиргач, Самарқанддан Сурхондарёга ишга кетиб, қайтиб келмаган экан. Аллақачон уйланиб ҳам кетган бўлса керак.

Энди Пўлатжон мутлақо жиддий туриб сўради:

— Отангизнинг исми-шарифи ким экан?

— Пўлат Аъзамов.

— Қи-з-им!!

Ҳамроҳимнинг қичқириғидан йўловчилар ваҳимага тушиб қолди. У Азизани қучоқлаганча гапириб-гапириб йиғларди.

— Танишларимдан бирининг "Хотининг сен кетишинг билан эрга тегиб олибди, ҳомиладор экан", деган гапига ишонибман, мен аҳмоқ. Кечир мени, қизим. Ўша қочқоқ, аблаҳ отанг мен бўламан. Ойингни севганимдан ҳалигача уйланганим йўқ.

Улар бир-бирини қучоқлаб олганларича даг-даг титрар, ҳўнг-ҳўнг йиғлашар, баланд овозда бир-бирини сўроққа тутарди. Онангнинг бегуноҳлигини юрагим сезарди, деса ҳамроҳим, ота, мен сизни учратиб, бор гапни билмоқчи эдим, дерди кўзларидан дувдув ёш тўкиб Азиза.

Ота билан боланинг бу аҳволдаги учрашуви ниҳоятда ғалати туюларкан. Биз нима дейишимизни билмай, қотиб турардик.

Ҳақиқатни миш-мишлар билан фарқлай олмаган ҳамроҳимга ачиниб кетдим. Аммо ҳақиқат синмади. Орадан йиллар ўтса-да, эру хотин, ота-бола топишишди.

Муҳаммаджон БЎТАЕВ,
ўқитувчи

Зеро, врач ўткир зеҳнли, тадбиркор, бургут кўзли, илондек сезгир ва қуёш ўз нурларини бутун ер юзига меҳр билан соғгани каби олийҳиммат, мард, сахий бўлмоғи керак.

ТАЪЛИМ+ФАН+ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Фарғона политехника институтида олиб борилаётган фундаментал, амалий ва таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг йўналиши ва мавзулари водий вилоятларидаги кимё, енгил ва озиқ-овқат, машинасозлик саноати, агросаноат комплекси, автотранспорт, қурилиш, энергетика, телекоммуникация, экология каби тармоқларнинг, шунингдек, ўқув муассасаларининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Кейинги йилларда фундаментал тадқиқотлар соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. Физика кафедраси олимлари Фан ва техника давлат қўмитасининг фундаментал фанлар дастурига киритилган устувор йўналишдаги мавзуни бажариш билан бир қаторда кафедра профессори Н.Йўлдошев ва доцент А.Ҳайдаровлар ушбу йўналиш бўйича танловда иштирок этиб, 1,6 млн. сўмлик грант соҳиби бўлдилар. Юқоридаги изланишларнинг муҳим натижаларини ўз ичига олган монография, физика-техника фанлари йўналишида "Мустақиллик йилларида яратилган энг яхши монография" танловида ғолиб деб топилди ва 0,5 млн. сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Амалий, илмий-техник лойиҳалар кўрик-танловида машинасозлик технологияси кафедраси доценти В.Ғердов "Юқори сифатли штамповкалаш учун технологик мой ишлаб чиқариш" мавзусидаги илмий-техник ишланмаси давлат буюртмасига мувофиқ, деб топилди ва лойиҳани амалга ошириш учун 5 млн. 600 минг сўм маблағ ажратилди. Ушбу лойиҳа Қувасойдаги "Кварц" хиссадорлик жамиятида — шиша ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларда қўлланилади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишларининг асосий қисмини хўжалик шартномалари ташкил этади. Хўжалик шартномаларининг йиллик ҳажми 25-30 млн. сўмдан кам эмас. Бу тадқиқотлар Фарғона водийсидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари буюртмалари асосида амалга ошириляпти. Фарғонадаги "Ўзнефтниқайтаишлаш", "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмалари, ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти, механика заводи, ипак ва пахта маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, "Қувасойцемент", "Кварц" ҳиссадорлик жамиятлари ва вилоятдаги қурилиш ташкилотлари муаммоларини ҳал қилишга илмий ва амалий ёрдам беряпти.

Асосий эътибор Давлат илмий-техника дастури ва хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишга, изланиш натижаларини ишлаб чиқаришга ва ўқув жараёнига кенг жорий этишга қаратилган. Кейинги 3 йил ичида 30 дан ортиқ илмий ишланмалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тавсия қилинди.

Бир гуруҳ механик олимлар томонидан яратилган газодетояцион тўлқин энергияси асосида ишловчи қурилма экин майдонларида қатқалоқни юмшатиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини эрта етиштириш, ҳосилдорлигини ошириш жараёнида кенг қўлланилмоқда.

Шунингдек, кимё соҳасида доцент М.Акбарова раҳбарлигида иш олиб бораётган олимлар томонидан ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувларда ҳосил бўладиган қуйқа ва зангланишларга қарши кимёвий модда —модификатор яратилди. Нефть қазиб олишда электродинамик ва электрокимёвий усуллардан фойдаланишга асосланган қурилма ёрдамида эски нефть қудуқлари қайтадан ишга туширилмоқда. Қурилиш соҳасида эса маъмурий биноларнинг зилзилабардошлигини ошириш, эски биноларнинг техник ҳолати мустаҳкамлигини таъминлаш вазифалари ҳал этиляпти.

Кейинги 4 йил ичида 35 та илмий ихтиро учун патент олинди. Бундан ташқари барча турдаги кўтариш кранларини ва маҳсулот сақланадиган катта ҳажмдаги металл идишларни таъмирлаш бўйича 2 та, бинолар қурилиши тузилмалари, муҳандислик иншоотларининг техник ҳолатини текшириш ва лойиҳа-изланиш ишларини олиб бориш учун битта лицензия олинди.

Хўжалик шартномалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий изланишларга асосланган тадбиркорлик фаолияти воситасида бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топишда аниқ фанлар ва техника, амалий йўналишдаги кафедралар билан бир қаторда иқтисодий ҳамда гуманитар фанлар кафедраларининг муносиб ўрин топиб бораётганлиги эътиборга молиқдир. Улар томонидан олиб борилаётган изланишларда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий муаммоларини ҳал этиш кўзда тутилган.

Бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш бўйича олий ўқув юртлари ичида институтимиз рейтинги юқоридир. Мультимедиа ва программалаштириш марказида профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган дарслик, ўқув-қўлланмалари ва маъруза матнларининг электрон вариантларини яратишнинг, уларга жонли овоз беришнинг, анимация элементларини қўллашнинг ҳамда масофавий таълимни ташкил этишнинг, шунингдек, "INTERNET" тармоғидан самарали фойдаланишнинг илмий асосланган услубиёти яратилмоқда.

Илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли талабалар ҳам кенг жалб қилиняпти. Улар 1 курсдан бошлабоқ тажрибали профессор ва доцентларга бириктириб қўйилади. Кафедраларда 40 дан ортиқ турли фан тўгараклари мавжуд. Натижада номдор стипендия совриндорлари сони тобора ортяпти.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни янада чуқурлаштириш мақсадида Республика Фанлар Академиясининг илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорликда 2001-2003 йилларга мўлжалланган мақсадли дастур ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда дастур асосида республикамизнинг 30 дан ортиқ илмий-текшириш институтлари, илмий марказ ва ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Р.ТОЖИЕВ,
Фарғона политехника институти ректори, техника фанлари доктори, профессор
А.МИРЗАЕВ,
механика факультети декани, техника фанлари доктори, профессор

Milliy dastur amalda

ТИББИЁТДА МАГИСТРАТУРА

Тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тайёрланаётган кадрларнинг иқтидори, истеъдоди инсон саломатлигини сақлашда, унинг умрини мумкин қадар узайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Тиббиётнинг бошқа соҳалардан анча мураккаб эканлиги сир эмас. Шу боис бу хилдаги олий ўқув юртларида таълим муддати кўпроқ белгиланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, тиббиётда ҳам магистратура ташкил этилди. Дастур талабларига мувофиқ, "Магистратура — аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир".

Тиббиётда магистратура уч йил муддат қилиб белгиланган. Сабаб, тиббиётнинг бошқа соҳаларга нисбатан қийин ва мураккаблигидир. II-Тошкент Давлат Тиббиёт институтига илк магистрантлар 2000 йилда қабул қилинган эди.

Ҳозирда 97 нафар магистрант ўзлари танлаган тор мутахассисликлар бўйича илм эгаллашмоқда. Булар доялик гинекологияси, терапия, кардиология, гастровентрология, урология, кўз касалликлари, офталмология, жарроҳлик, қон-томир жарроҳлиги, неврология, жамоат соғлигини сақлаш, коммунал гигиена, патология, лаборатория иши, оилавий медицина.

Ўз даврининг буюк табиби Гиппократ шундай деган экан: "Бировларнинг йўлини ёритишинг учун аввало ўзинг ёнишинг керак". Аслида ҳам ўзи шамдек ёниб, бошқаларга ҳаёт бағишлаш чин маънодаги шифокорга хос хусусият бўлиши керак.

Шу ўринда буюк мутафаккир Навоийнинг табиблар ҳақидаги битиклари ҳам ёдга тушади: "Нодон табиб жаллоднинг шогирдидир, жаллод тиғи билан, табиб эса оғуси билан ўлдиради".

Тиббиётда маълум мутахассислик бўйича магистрлик даражасини эгаллашда ҳам улуғ алломалар қайд қилиб ўтган бу мезонлар ҳисобга олиниши керак. Тилга олинаётган даргоҳда бунга база бир қадар етарли деб айтишимиз, мумкин.

Аввало, мавжуд магистратура мутахассисликлари бўйича назарий билимларнинг эгалланишига катта эътибор қаратиляпти. Улар мустақил ва тренер модераторлар билан ҳамкорликда ўқув режасига биноан тиббиётга оид энг сўнгги адабиётлар билан танишиб боришади. Назарий билимларнинг пухта-пишиқ бўлишига кутубхонадан ташқари Интернет тармоғи ҳам ёрдам беради.

Модераторлар ҳар ҳафтада маълум мавзуга оид семинарлар ўтказишади. Магистрантнинг эгаллаётган билими талаб даражасидами? Бу оғзаки ва ҳафтада бир марта тест усули билан ўтказиладиган рейтингда кўринади. Мутахассислик фанларидан ташқари ўқув режасига киритилган фалсафа, информатика ва чет тиллари бўйича ҳам магистрантларда малака ҳосил қилинмоқда. 2000-2001 ўқув йилидан эътиборан очилган тил маркази ҳам ана шу мақсадни назарда тутади. Марказда инглиз тилини ўрганишнинг барча имкониятлари мавжуд бўлиб, бунга Тошкент Давлат Шарқшунослик институти домлаларидан бир гуруҳи жалб қилинган.

Малакали кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўзаро боғлиқ. Ўз-ўзини ривожлантирувчи бу тизим юқори малакали мутахассисларнинг барча табақаларини етиштиради. Интеграциянинг амалга оширилишида ишлаб чиқариш амалиёти алоҳида ўрин эгаллайди. Бир йиллик ўқув режасидаги 1400 соатлик машғулотларнинг ярмидан кўпроғи амалий характерда. Магистрантлар Тошкент шаҳар жарроҳлик, урология марказларида, кардиология, қон қуйиш, санитария-гигиена илмий текшириш институтларида, шунингдек, институтнинг биринчи ва иккинчи клиникаларига бориб, беморларни даволаш, ташхис қўйиш, таҳлил этиш каби жараёнларни ўз кўзлари билан кўришяпти. Амалиётнинг ўтказилишида мутахассислик йўналишларининг бўлаклари бўйича малакали кўникмаларни баҳолашга жиддий ёндашилмоқда. Магистрантлар фаннинг режадаги ҳар бир бўлаги бўйича қилинган ишлар ҳақида ҳисобот ва имтиҳон топширадилар.

— "Тиббиётда магистратура илк бор йўлга қўйилди. 2003 йилда биринчи магистрларга диплом берилади. Умид қилиш мумкинки, улар маълум мутахассисликларнинг "ичига" пухта кирган, беморларга ташхис қўйишда, уларни даволашда янглишмайдиган кадрлар бўлиб етишади. Чунки магистратура 7 йил давом этадиган бакалавриатдан кейин яна 3 йил таълим бериладиган босқичдир. Уларга бошқа олий ўқув юртларидаги магистрантлар сингари маълум илмий мавзулар берилмайди. Лекин уч йил улар учун ўзлари танлаган мутахассисликнинг миридан сиригача ўрганиш даври бўлади.

Белгиланган муддат ичида кардиология, терапия, урология, гинекология, офталмология, неврология, жарроҳлик ва бошқа мутахассисликларни танлаган йигит-қизларга кенг имкониятлар яратиб бериладики, улар келгусида даволаш муассасаларининг у ёки бу йўналишдаги тажрибали мутахассисларига айланишади. Янги 2002-2003 ўқув йилидан магистратура таълимида яна 11 та йўналиш жорий қилиниши режалаштирилянти".

II-Тошкент Давлат тиббиёт институти декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдужалол Ёқубов бизга юқоридаги фикрларни айтар экан, бу даргоҳнинг биринчи магистрлари рисоладагидек етук шифокор бўлишларига умид қилдик. Зеро, врач ўткир зеҳнли, тадбиркор, бургут кўзли, илондек сезгир ва қуёш ўз нурларини бутун ер юзига меҳр билан соғгани каби олийҳиммат, мард, сахий бўлмоғи керак.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг (2002 йил 3 апрель сони) 3-саҳифасидаги "Муросасиз беллашувлар" кичик сарлавҳали мақоланинг "... Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 2-мактаб ўқувчиси И.Жабборовалар бир хил — 92 балл билан ўзаро 3-ўрин учун беллашишди" жумласидаги "Бекобод туманидаги" ибораси "Бекобод шаҳридаги" деб ҳамда шу устундаги "Д.Абдуллаева" фамилияси "Б.Абдуллаева" деб тузатиб ўқилсин.

ШАҲАР ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Кеча пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 60-ўрта мактабда "Умид ниҳоллари" мусобақалари шаҳар босқичининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Халқ таълими вазирлигининг ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Турсунқул Муҳиддинов ғолиб жамоа ва ўқувчиларни қутлар экан, уларнинг Фарғонада ўтказиладиган мамлакат финал босқичида ҳам яхши кўрсаткичларга эришишларини тилади. Шундан сўнг масъул раҳбарлар ҳамда таниқли спортчилар умидли ўқувчиларимизга ўз тилакларини билдиришди ва қимматбаҳо совғаларни топширдилар. Дарвоқе, бу сафарги мусобақаларда 1507 нафар ўқувчи иштирок этиб, умумий ҳисобда Юнусобод тумани биринчи, Чилонзор тумани иккинчи ва Акмал Икромов тумани жамоалари фахрли учинчи ўринларни эгалладилар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ ЖИЛВАСИ

Tanlov

Ўтган шанба кунигача мен юз-қўлимни, идиш-товоқ, кирчир ювиётганимда водопровод жўмрагини очиб қўярдим, кераксиз сув оқиб ётаверарди. Энди сувни тежайдиган бўлдим. Нега дейсизми?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази, Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси, «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ҳамкорликда «Томчи сувда ҳаёт жилваси» республика танловини ўтказдилар.

Бугунги кунда дунёда экология билан боғлиқ бир қанча масалалар мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳими сифатида тоза сувни ҳаддан ташқари кўп ишлатиш ва исроф қилишни айтиш мумкин. Агар сувдан тежаб-тергаб фойдаланмасак, 2010 йилга келиб ичимлик суви глобал муаммога айланиши мумкин. Бундай хавфнинг олдини олиш учун сувдан оқилона фойдаланишни ёш авлодга ҳозирданоқ уқтириш зарур. Сув муаммоси ҳақида ўқувчиларнинг хабардорлиги, билими ва тушунчасини ошириш, уларни уй ва мактабда сувни тежашга ўргатиш танловнинг асосий мақсади бўлди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида мактаб босқичи бошланган мазкур танловда дастлаб ҳар бир мактабда бир ўқитувчи 5-9-синфлар ўртасида 30 нафар ўқувчини бир гуруҳга жамлаб иш олиб борди. Шу ўринда иштирок этиш учун анкета саволлари орқали 1000 та муассаса танлаб олинганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Э.Турдиқулов ва М.Мусаевалар тайёрлаган «Томчи сувда ҳаёт жилваси» деб номланган қўлланманинг тарқатилиши қатнашувчиларнинг тадқиқот олиб боришлари учун асос бўлди. Қўлланмаган кўра, иштирокчи топшириқларни мактабда ўқитувчиси, уйда ота-онаси ёрдами билан бажарди. Керакли жойларига расмлар чизди, баъзи саволларга жавоб берди, белгиланган тадқиқотларни ўтказиб натижаларини қўлланманинг белгиланган жойига ёзиб қўйди. 2002 йилнинг 10 февралигача давом этган босқичда ҳар бир мактабдаги уч нафар ўқувчи ғолиб сифатида аниқланди ва гуруҳ томонидан тайёрланган учта ҳисобот плакатлар, ғолиб ўқувчининг тадқиқот дафтарлари туман босқичига юборилди. Туман ва вилоят босқичида ҳам уч нафардан ғолиб ўқувчи аниқланиб, улар республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ниҳоят, кўрик-танловнинг якуний босқичи Республика Таълим марказида бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида Халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев, Британия Кенгаши директори ўринбосари Алиса Клима, «ЭКОСАН» жамғармаси қошидаги Рим клуби раҳбари М.Тойиров ва бошқалар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар ҳаёт бешиги ҳисобланган сувни эъзозлаш, унинг ҳар бир қатрасини исроф қилмаслик, табиатга, она юртга меҳр ана шу томчи сувни қадрлашдан бошланишини айтиб ўтдилар. Сўнгра вилоят босқичи ғолиблари ўзлари тайёрлаб келган ҳисобот плакатларни, сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш учун нималар қилганликларини ҳакамлар ҳайъати аъзоларига тақдим қилишди.

Қизғин ўтган беллашувларда Сирдарё вилояти Ш.Рашидов тумани 15-умумий ўрта таълим мактаби вакиллари биринчи, Хоразм вилояти Хива туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби иккинчи, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри 1-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учинчи ўринга лойиқ кўрилдилар. Ва уларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг дипломлари, «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг 1-,2-,3-даражали дипломлари топширилди. Биринчи ўрин соҳибларига компьютер совға қилинди.

Тадбир якунида ушбу кўрик-танлов ғолиблари халқаро экотанловларда ҳам иштирок этишлари айтиб ўтилди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ШАРОНДАН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НОРОЗИ



Исроил Бош вазири Ариэл Шарон Европа Иттифоқ вакилларининг Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат билан учрашишларига рухсат бермади. Рамаллоҳ шаҳридаги Арофат қароргоҳи мана бир неча вақтдан буён исроилликлар назоратида турибди. Айни вақтда Исроил қўшинлари Наблус шаҳрида ҳам "Ҳимоя девори" операциясини олиб бораётган бўлсалар, Вифлеемдаги Рождество черковига яширинган 200 га яқин фаластинликларни қўлга олиш учун ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Исроилликларнинг ҳарбий операциясига қарши Мухторият раҳбарияти ўзининг барча аҳолисига мурожаат этиб, уларга қарши курашишга чақирди. Ўз навбатида халқаро ҳамжамият ҳам Ариэл Шарондан норози бўлмоқда.

РАМСФЕЛЬД ТЕРРОРЧИ УЧУН ВАЪДА БЕРДИ

Оқ уйда бўлиб ўтган матбуот анжуманида АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд ҳибсга олинган Абу Зубайдани қийноққа солинмаслигига ваъда берди. Биринчи галда шифокорлар томонидан унинг соғлиғи тикланади. Сўнгра энг кучли экспертлар Абу Зубайда билан иш олиб борадилар. Боиси, у "Ал-Қоида" ташкилотининг тузилиши, методи ва режалари ҳамда Усама бин Лоден, унинг ёрдамчиси Айман Завахирийларнинг қаерда эканликлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак, деди Рамсфельд.

Эслатиб ўтамиз, "Ал-Қоида" ташкилотининг 3-рақамли етакчиси Абу Зубайда АҚШ Федерал Тергов Бюросининг ўтган ҳафта Покистонда амалга оширган операцияси чоғида ҳибсга олинган бўлиб, америкаликларнинг антитеррор операциясидаги энг катта муваффақиятларидан бири ҳисобланади.

"Ми-24" ЖАНГАРИЛАРГА АЛМАШТИРИЛАДИ

Чечен дала қўмондонларидан Абу ад-Валид ўз жангчилари 3 февраль куни изсиз йўқолган "Ми-24" вертолёти ва унинг учувчиларини топганликларини маълум қилди. Аммо вертолёт ва учувчиларнинг қай аҳволда эканлигини айтмади. Жангарилар раҳбари ўз фикрига далил сифатида учувчилар рўйхатини ва уларда мавжуд бўлган ҳужжатлардан бирини келтирган. Абу ад-Валид вертолёт экипажини ҳозирда Россия федерал кучлари қўлида ушлаб турилган ўзининг 10 нафар жангари йигитларига алмаштирмоқчи. Ёдга олсак, "Ми-24" ўшанда Аргун дарасида жароҳатланган чегарачи аскарларни ҳарбий госпиталга олиб кетаётганида кучли бўрон туфайли ноаниқ ҳудудга қўнишга мажбур бўлганди.

ФРАНЦИЯДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ

Франция ҳукумати президентлик сайловларининг мазкур ойда бўладиган биринчи босқичида 16 нафар номзод курашишини маълум қилди. Номзодлар орасида фахрий-миллатчи Жан-Мари Ле Пен ва революционер Арлет Лагийелар ҳам бор. Аммо ҳозирги президент Жак Ширакнинг ҳукумат олдида 2,4 млн. франк учун жавоб бериш муаммоси турибди. Илк президентлик сайловлари 24 апрель куни бўлиб ўтади.

27 ЙИЛЛИК УРУШ ТУГАДИ

